Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 35 (5896).

18 ФЕВРАЛЬ ЖУМА

1977 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

МУСОБАҚА БАЙРОҒИНИ БАЛАНД КЎТАРАЙЛИК

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КАСАБА СОЮЗЛАРИНИНГ СОЮЗЛАРАРО IX КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Кеча Тошкент область касаба союзларининг союзлараро IX конференцияси бўлиб ўтди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошлиқ КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг составн конференция фахрий президиумига яқдиллик билан сайланди.

Конференцияга делегатлари КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси Н. М. Матчонов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Л. И. Греков, Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. А. Хўжаев, Ўзбекистон касаба союзлари Советининг раиси М. А. Зондов, Қизил байроқли Туркистон ҳарбий округи сиёсий бошқармаси бошлиғи, ҳарбий Совет аъзоси Н. О. Шчукин, ВЦСПС масъул ходими В. Е. Сергеев ўртоқларини самимий кутиб олдилар.

Конференцияда Тошкент область касаба союзлари Советининг раиси **А. В. Бранлов** ҳисобот доклади қилди.

— Совет кишилари КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошириш ва ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан олдин бажариш учун бошланган мусобақада улкан меҳнат муваффақиятларини қўлга киритмоқдалар, — деди докладчи. КПСС Марказий Комитети октябрь (1976 йил) Пленуми қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг шу Пленумда сўзлаган нутқида баён этилган қоида ва хулосалар, КПСС Марказий Комитетининг Мактуби, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисидаги қарори, КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги тўғрисида»ги қарори меҳнаткашлар ижодий кўч ва ғайратини яна ҳам ошириб юборди. Область касаба союзлари партия даъватига жавобан меҳнат коллективлари ўртасида социалистик мусобақани янада кенг қулоч ёйдирмоқдалар, барчанинг диққат-эътиборини Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олишга ва ўнинчи беш йилликни муваффақиятли якунлашга қаратмоқдалар.

Ҳисобот даврида касаба союз ташкилотлари партия органлари раҳбарлигида катта ишларни амалга оширдилар. Областимиз экономикаси яна ҳам юксалди. 1976 йилда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 1975 йилга нисбатан 6,6 процент ошди. Саноат маҳсулотини реализация қилиш йиллик плани барвақт адо этилиб, халқ хўжалигига қўшимча равишда 170,9 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилди. Меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан белгиланган топшириқ ҳам шараф билан адо этилди.

Енгил, озиқ-овқат, маҳаллий саноат корхоналари базаларини кенгайтириш, уй-жойлар, маданий-маиший муассасалар қурилиши соҳасида ҳам катта ишлар бажарилди. Область меҳнаткашлари бинокорлардан 22 мингта кўркам квартира қабул қилиб олдилар.

Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари эришаётган муваффақиятлар барчани қувонтирмоқда. Областимиз пахтакорлари давлат хирмонига ўтган йили 440,7 минг тонна «оқ олтин» тўкдилар. Гектар бошига ўрта ҳисобда 32,4 центнердан ҳосил йиғиб олинди. Пахтанинг 77 процентдан кўпроғи «зангори кема»лар бункерларидан тўкилди. Бошқа хил қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш давлат планлари ҳам ортиғи билан адо этилди. Чорва маҳсулдорлигини оширишда ва чорва туғғини кўпайтиришда ҳам катта ишлар қилинди. Давлатга гўшт, сут ва жун сотиш планлари тўла бажарилди.

Ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилида ва ўтган беш йилликда областимиз меҳнаткашлари эришган ютуқлар партия ва ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди. Областимизга КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Кўчма қизил байроғи тақдим этилди. Тўққизта илғор меҳнат коллективи СССР халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг Бутуниттифоқ Ҳурмат тахтасига ёзилди. Бешта шаҳар ва район, 58 та ишлаб чиқариш коллективи Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзсовпроф ва республика комсомолининг юксак мукофотига сазовор бўлди. Бир группа ишлаб чиқариш илғорлари СССР Давлат мукофоти лауреати бўлдилар.

Бу ютуқлар область партия ташкилоти раҳбарлигида касаба союзлари олиб борган катта ташкилий-тарбиявий, оммавий-сиёсий ишлар натижасидир. Социалистик мусобақани ташкил этишда кейинги йилларда тўпланган бой тажрибага амал қилиб, касаба союзлари ўз иш формаларини ва методларини тобора такомиллаштирмоқдалар. Асосий эътибор омманинг меҳнат ва сиёсий активлигини оширишга, туғилаётган ватанпарварлик ташаббусларини кенг қанот ёдиришга, илғор тажрибаларни оммалаштиришга қаратилмоқда. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети маъқулланган ташаббуслар областимиз меҳнаткашлари томонидан қизғин қўллаб-қувватланмоқда. Кўплаб меҳнат коллективлари Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини ишлаб чиқариш планини бажариш билан кутиб олишга қаратилмоқдалар.

Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда ва уларнинг активлигини оширишда коммунистик меҳнат мактаблари ижобий роль ўйнамоқда. Ҳозир 70 мингдан ортиқ ишчи коммунистик меҳнат мактабларининг тингловчисидир. Меҳнаткашларни ишлаб чиқаришни бошқаришга ўргатиш соҳасида ҳам кўп иш қилинмоқда. Ҳозир корхона ва ташкилотларда 1234 та доимий фаолият кўрсатувчи кенгашлар ташкил қилинган. Кенгашларда ишчилар экономиканн ривожлантиришга қаратилган турли хил таклифлар билан чиқмоқдалар. Бу таклифларни амалга ошириш натижасида давлат катта фойда кўрмоқда.

Докладчи меҳнаткашлар иш шароитини яхшилаш, маданий дам олишни намунали уюштириш, маиший ва медицина хизматини кучайтириш юзасидан бажарилаётган ишлар устида алоҳида тўхталди. Кейинги пайтда даволаш муассасалари, дам олиш уйлари, пионер лагерлари сони анча кўпайди. Ҳар йили кўплаб ишчилар ва колхозчилар меҳнат отпускаларини қизиқарли сафарларда, маҳаллий ва марказий курортларда ўтказмоқдалар.

Ҳисобот докладида касаба союз кадрлари билан ишлашни яхшилаш, уларни тарбиялаш, тарбиялаш ва жойжойига қўйиш соҳасида қилинган ишларга ҳам алоҳида ўрин берилди. Докладчи эришилган ютуқларни таъкидлаш билан бирга кўпроқ эътиборни бажарилмай қолаётган вазифаларга қаратди. Ҳали ҳам айрим корхоналар касаба союз ташкилотлари давлат планларининг бажарилиши, иш самарадорлиги ва сифатини ошириш, мусобақани намунали ташкил этиш устида кам қайғурмоқдалар. Меҳнатни тўғри ташкил этиш, иш шароитини яхшилаш, маданий дам олишни уюштириш соҳасида ҳали кўп ишларни бажариш зарур.

Конференцияда область касаба союзлари ревизия комиссияси раиси **Г. А. Богальчук**нинг ҳисобот доклади ҳам тингланди.

(Давоми 2-бетда).



Суратда: конференция делегатларидан В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси йиғувчи-слесари Назрулла Маннонов (чапдан), «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси аппаратчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Эргаш Пирматов, Қуйи Чирчиқ районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози звено бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Энвер Алиев, «Электрохимпром» мисгари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Деҳқонбой Шерчибоев ва «Ташсельмаш» заводи слесарлар бригадаси бошлиғи, КПСС XXV съезди делегати Маҳмуд Мўйдинов ўртоқлар ўзаро суҳбатлашиб туришибди. А. Абаляп фотоси.

Л. И. БРЕЖНЕВ

СОЦИАЛИСТИК МАМЛАКАТЛАР ФАНЛАР АКАДЕМИЯЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ БИЛАН УЧРАШДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев 17 февраль куни Кремлда социалистик мамлакатлар Фанлар академияларининг раҳбарлари билан учрашди.

Учрашувда: БХР Фанлар академиясининг президенти А. Балевски; ВХР Фанлар академияси президенти лавозимини ижро этувчи Я. Сентаготан; ВСР ижтимоий Фанлар комитетининг раиси Нгуен Кхань Тоан; ГДР Фанлар академиясининг президенти Х. Кларе; Куба Республикаси Фанлар академиясининг президенти В. Торрес; МХР Фанлар академиясининг президенти Б. Ширендиб; ПХР Фанлар академиясининг президенти В. Тшебятовский; РСР ижтимоий ва сиёсий Фанлар академиясининг президенти М. Георгиу; РСР академиясининг вице-президенти Ш. Цицейка; СССР Фанлар академиясининг президенти А. П. Александров; СССР Фанлар академиясининг вице-президенти П. Н. Федосеев; ЧССР Фанлар академиясининг раиси Я. Кожешник қатнашдилар.

Ўртоқ А. П. Александров социалистик мамлакатлар Фанлар академиялари президентларининг биринчи кенгаши қандай ўтаётганлиги тўғрисида, илмий-тадқиқот муассасалари ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ҳақида, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг олимлари биргаликда олиб бораётган ишларининг асосий йўналишлари тўғрисида гапириб берди. У совет фанини ривожлантириш тўғрисида доимо диққат-эътибор билан ҳамхўрлик қилаётганликлари учун КПСС Марказий Комитетига, Леонид Ильич Брежневга чуқур миннатдорчилик изҳор қилди.

Учрашувда ўртоқ Л. И. Брежнев нутқ сўзлади.

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Ҳурматли ўртоқлар, аввало, Сизларни сидқидилдан табриклашга ижозат бергайсизлар. Сизлар Москвада биргаликда қилган иш тўғрисида ахборот берганлигингиз учун Анатолий Петрович Александровга миннатдорчилик айтмоқчиман.

Партиямиз Марказий Комитети Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси совет олимлари билан бошқа социалистик мамлакатларнинг олимлари ўртасида ривожланиб бораётган самарали алоқаларни юксак қадрлайдилар. Мен бир вақтлар Венгрияга борганимда Қизил Чепель коллективи билан бўлган учрашувда социалистик мамлакатларнинг ҳамкорлиги тўғрисида гапирилганида кучларни шунчаки қўшиш эмас, балки кўпайтириш жараёни содир бўлаётганлиги тўғрисида гапирган эдим. Бу гап илмий алоқаларга ҳам тўла-тўкис тааллуқлидир. Бу соҳада илм-фаннинг жуда катта имкониятларидан, фан-техника революцияси ютуқларидан социалистик ва коммунистик қурилиш манфаатлари йўлида рационал фойдаланиш имконини берадиган энг кенг, энг мустаҳкам ҳамкорлик бўлиши жуда муҳимдир.

Илмий приборсозликни ривожлантириш тўғрисида, илмий экспериментларни автоматлаштириш соҳасидаги ҳамкорликни такомиллаштириш ҳақида сизлар қабул қилган қарорлар илм-фанга ҳам, халқ хўжалигига ҳам катта наф беришига шубҳаланмаймиз.

Ўз мамлакатларини идора қилувчи коммунистик ва ишчи партияларнинг бўлиб ўтган съездларн катта миқёсдаги вазифаларни ҳал этишни кун тартибига қўйди. Анатолий Петрович бу ерда ана шуни эслатиб ўтди. Аслида барча қардош социалистик мамлакатлар ҳозирги вақтда бутун диққат-эътиборни ишлаб чиқариш самарадорлиги ва маҳсулот сифатини оширишга қаратмоқдалар. Шунинг ўзиёқ, илм-фаннинг жамият ҳаётидаги, капиталистик жамиятга нисбатан юқори ижтимоий меҳнат унумдорлигига эришиш юзасидан В. И. Ленин ўртага қўйган тарихий вазифани бажаришдаги роли ошиб бораётганлигини белгилаб беради.

Партиямиз Марказий Комитети совет фанини ривожлантиришга доимий эътибор бераётганлигини таъкидлаб ўтмоқчиман. Ҳали яқиндагина партия Марказий Комитетининг секретариати Украина ССР Фанлар академиясининг ва СССР Фанлар академияси Сибирь бўлимининг ишини батафсил муҳокама қилди. Айни уларнинг иши муҳокама учун танлаб олинганлиги тасодиф эмас эди. Уларнинг ҳар иккаласи бошқалар учун аҳамиятга эга бўлган муайян тажриба орттирган.

Украина ССР Фанлар академияси илмий-тадқиқот ишини саноатга, қишлоқ хўжалигига ёрдам беришга собитқадамлик билан қаратиб келмоқда. Украина илмий-тадқиқот институтларининг коллективлари бирталай илғор технология жараёнларини, принципиал жиҳатдан янги ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарини ишлаб чиқдилар. Украин олимлари илмий ғоядан тортиб, уни амалда рўёбга чиқаришгача бўлган ҳамма ишларни бир-бирига боғлаб планлаштириб, илмий-тадқиқотларнинг натижаларини практикага жорий этиш муддатларини анча қисқартиришга эришмоқдалар.

Украина ССР Фанлар академияси системасида илм-фанни ривожлантиришга сарфланган маблағнинг ҳар сўми тахминан беш сўм самара бераётганлигини ҳисоб-китоблар кўрсатиб турибди. Чамаси эмас: бир сўм сарф-лайсиз-у беш сўм оласиз.

СССР Фанлар академиясининг Сибирь бўлими жуда мароқли тажриба орттирган. Бу бўлимнинг институтлари халқ хўжалигининг кўпгина тармоқлари билан, кўпгина йирик корхоналар билан бевосита боғланган. Улар фан-техника ҳамкорлигининг узоқ муддатли программаларини ишлаб чиқиб, шу программаларни изчиллик билан амалга оширмоқдалар.

Ҳозирги вақтда академия шаҳарчаси ёнида министрликлар 10 та конструкторлик бюросини тузмоқдалар (шулардан 6 таси ҳозирнинг ўзидаёқ ишлаб турибди), шу бюроларнинг ишига олимлар яхши ёрдам беришмоқда.

Мамлакатимиз саноати, қишлоқ хўжалигида ҳар йили юзлаб ва минглаб илмий кашфиётлар жорий қилинмоқда. Бу соҳада мисолларни жуда кўп, фақат битта мисолни айтиб ўтмоқчиман. Украинада Мироновка илмий-тадқиқот институти бор. У ерда ҳозир атоқли олимимиз Василий Николаевич Ремесло ишламоқда. Ана шу институтда етиштирилган буғдой навлари мамлакатга пул билан ҳисоблаганда сал кам 1 миллиард 600 миллион сўм фойда берди.

Фундаментал фанни ривожлантиришни ҳар томонлама рағбатлантириш билан бирга амалий тадқиқотларни шу фан билан узвий равишда боғлаб олиб бориш тўғрисида ҳамхўрлик қилиш, илмий кашфиётларни халқ хўжалигига жорий қилишни жадаллаштириш зарур деб ҳисоблаймиз. Бу ғоят муҳим вазифа айрик илмий проблемаларни ҳал этиш учун баъзан кўп вақт керак бўлиши, олимларнинг коллективлари кўп куч-ғайрат сарфлаши кераклиги равшан. Аммо, сирасини айтганда, илм-фаннинг жонли соғлом дарахтида меваснз қуруқ шохлар ҳам бўлади. Тадқиқотларни қандайдир мутлақо олиб, баъзан эса мутлақо самарасиз соҳаларда олиб борши ҳоллари ҳам учраб туради.

Шу сабабли, Украина ССР Фанлар академияси ва Фанлар академиясининг Сибирь бўлими иши муҳокамасини яна эсга олиб, шуни таъкидлаб ўтмоқчиманки, партиямиз Марказий Комитети ўз қарорларида украиналиклар билан сибирликларнинг тажрибасини маъқуллаб ва қўллаб-қувватлаб, илм-фанни чиндан ҳам бевосита ишлаб чиқарувчи кучга айлантириш тўғрисида доимий ғамхўрлик қилиш муҳимлигини уқтирди. КПСС Марказий Комитети фан-техника тараққиёти вазифаларини ҳал этиш, илмий-тадқиқотларни энг актуал проблемаларга жамлаш ишини кучайтиришни талаб қилди.

Мамлакатимизнинг илмий потенциали жуда катта. Анатолий Петрович сизларга мамлакатимизда илм-фанга қанча маблағ сарфланаётганлигини, эҳтимол айтгандир. Бу ҳаражатлар ҳақиқатан ҳам кўпайиб ва тез ортиб бормоқда. Аммо, назаримда, бу ўринда «ҳаражатлар» сўзи унчалик аниқ бўлмаса керак; чунки ҳақиқий олимларнинг иши тўғрисида, чиндан илмий ва халқ хўжалик аҳамиятига молик проблемаларни тадқиқ этиш ҳақида гап борганида давлат билан жамият сарфланган ҳар сўм, форит ёки рубль эвазига анча катта самара олмоқда.

Илм-фанга фақат моддий кўрсаткичлар билангина баҳо бериш нотўғри бўлур эди, албатта. Илм-фан илмий, яъни марксча-ленинча дунёқарашни шакллантиришда катта роль ўйнайди, унинг муҳим идеологик аҳамияти бор. Бинобарин, сизларнинг учрашувингизда ижтимоий фанлар соҳасидаги ҳамкорликни ҳам чуқурлаштириш масалалари муҳокама қилинганлиги кишини мамнун этади.

(Давоми 2-бетда).

КУБА РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЭСДАЛИК МЕДАЛИ ТОПШИРИЛДИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов 17 февраль куни Куба Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Куба Республикасининг Совет Иттифоқидаги элчиси Северо Агирре дель Кристони қабул қилди.

Қардошларча дўстлик вазнитида ўтган суҳбат чоғида элчи республика партия ташкилотининг КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошириш соҳасида олиб бораётган ишлари билан, Ўзбекистон меҳнаткашлари ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун курашда эришаётган муваффақиятлар билан таништирилди. Барча совет кишилари сингари Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам муваффақиятли равишда социалистик жамият қураётган қаҳрамон Куба халқига нисбатан самимий ҳайрихоҳлик ҳис-туйғуларини изҳор этаётганликлари, Совет — Куба ҳамкорлигини доимо мустаҳкамлаш ва ривожлантиришни ўзининг ватанпарварлик, интернационал бурчи деб ҳисоблаётганликлари таъкидлаб ўтилди.

Северо Агирре дель Кристо ўз навбатида Озодлик оролида социалистик қурилиш қандай бораётганлиги ҳақида гапириб берди. У совет кишилари, шу жумладан Ўзбекистон меҳнаткашлари Куба халқига бераётган ёрдамни юксак баҳолади.

Элчи Куба Компартияси Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси ва Революцион ҳукумат топшириғига биноан Ш. Р. Рашидовга «ХХ йиллик» эсдалик медалини топширди. Ш. Р. Рашидов бу медалга Кубада социализм қурилишида ғоят фаол қатнашганлиги учун сазовор бўлган эди. Бу эсдалик медали Куба революциясига асос солган Монкадо казармасини штурм қилишнинг 20 йиллигини нишонлаш юзасидан таъсис этилган эди.

Ш. Р. Рашидов юксак мукофот учун Куба Компартияси Марказий Комитетининг Сиёсий бюросига ва Куба Республикаси революцион ҳукуматига самимий миннатдорчилик изҳор этди.

Суҳбатда ва эсдалик медалини топшириш маросимида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва бюро аъзолигига кандидатлар И. Г. Анисимкин, Л. И. Греков, Н. М. Матчонов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, А. А. Хўжаев, Э. Б. Нордман, Г. М. Орлов, С. У. Султонова иштирок этдилар.

* * *

Куба Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Куба Республикасининг Совет Иттифоқидаги элчиси Северо Агирре дель Кристо Тошкентда бўлган чоғида В. И. Ленин Марказий музейининг филиалини бориб кўрди, республика пойтахтининг диққатга сазовор жойлари билан, унинг янги қурилишлари билан танишди.

ЭРТАКИ КАРАМ КЎЧАТИ ЎТҚАЗИЛИШИ БОШЛАНДИ

Оржоникидзе район хўжаликларида эртакн карам кўчати ўтқазиш ишлари бошлаб юборилди. Ленин номли колхоз сабзавоткорлари дастлабки куниёқ икки ярим гектар майдонга сифатли қилиб кўчат экишди.

Шунингдек, «Қизил Ўзбекистон», «Правда», «Октябрь» колхозларида ҳам кўчат экилмоқда. Экилган ниҳоллар пешма-пеш полиэтилен плёнкаси билан ёпиб қўйилмоқда. Дастлабки кунда район хўжаликларида олти гектар ерга карам кўчати экилди. Кўчат экиш қизғин давом эттирилмоқда.

И. НЕЪМАТОВ.

СССР Министрлар Советида

СССР Министрлар Совети 1977 йил 5 март шанбадаги дам олиш кунини 7 март душанбага кўчиришга қарор қилди.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети «Каршистрой» бошқармасининг коллективлари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги шарафига уйсозлик комбинатини, ёғочсозлик заводи, керамзит заводи ва 2-темир-бетон буюмлари заводини барвақт ишга тушириш юзасидан социалистик мусобақани авж олдираётганликлари тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

Қабул қилинган қарорда айтиладики, партиянинг XXIV ва XXV съездлари қарорларига мувофиқ Қарши даштида кўриқ ерларни комплекс ўзлаштириш кенг кўламда авж олдириб юборилди.

Кўриқ ерлар 22 та пахтачилик совхози барпо этилган бўлиб, шу совхозлар 200 минг тоннадан кўпроқ пахта, 15 минг тонна дон, 16 минг тонна сабзавот, 10,9 минг тонна полиз маҳсулотлари ва бошқа кўплаб қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириб, давлатга топширдилар.

Ўнинчи беш йилликда «Каршистрой» бошқармасининг қурувчилари 836 миллион сўм капитал маблағни ўзлаштиришлари, 110 минг гектар янги ерларни деҳқончиликка топширишлари, 621 минг квадрат метр уй-жой ҳамда бошқа ишлаб чиқариш ва маданий-маиший объектларни фойдаланишга топширишлари лозим.

Шу билан бирга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Қарши даштини комплекс ўзлаштириш ишида йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни, сув хўжалиги қурилиши билан совхоз қурилиши ўртасида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши самарадорлигини пасайтирувчи номуносиблик бўлаётганлигини кўрсатиб ўтди.

Қарши шаҳрида қурилаётган граждан иншоотлари учун йилига 563 минг куб метр йиғма темир-бетон маҳсулот ва керамзит бетон панель тайёрлаб берувчи бинокорлик материаллари ва конструкцияларн комбинати ерларни комплекс ўзлаштириш суръатларини жадаллаштириш имконини беради.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш, ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида»ги қарорндан руҳланган комбинат қурилишининг ҳамма қатнашчилари қурилиш индустриясининг шу муҳим объектига алоҳида эътибор бериб, зиммаларига оширилган социалистик мажбуриятлар олдилар.

Рўзи Мустафоқулов, Мейли Ҳакимов, Муродулла Элбеков бошлиқ илғор комплекс бригадалар, Анатолий Панкевич, Резико Месхи бошлиқ монтажчилар бригадалари ўнинчи беш йиллик тўрт йили топшириқларини 1977 йилнинг 7 ноябригача бажариш мажбуриятини олдилар.

4-механизациялашган кўчма колоннанинг, «Каршистрой» бошқармасига қарашли бошқа қурилиш ва монтаж бўлинмаларининг меҳнат коллективлари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириб, комбинат ишлаб чиқариш қувватларини муддатидан илгари фойдаланишга топириш мажбуриятини олдилар: керамзит ишлаб чиқарадиган завод 1977 йилнинг 5 апрелигача, 2-темир-бетон буюмлари заводининг учта пролети 1 майгача, уйсозлик комбинатининг битта поток линияси ва ёғочсозлик заводининг бутун комплекси 1 июнгача фойдаланишга топширилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қурилиш ва монтаж ташкилотлари, илғор бригадалар коллективларининг, қурилиш ҳамма қатнашчиларининг Қарши бинокорлик материаллари комбинати ишлаб чиқариш қувватларини муддатидан илгари фойдаланишга топшириш борасидаги ташаббусларини маъқуллади.

Маҳаллий партия, совет, касаба союз ва хўжалик органларининг диққат-эътиборини бинокорлик материаллари комбинати ишлаб чиқариш қувватларини муддатидан илгари ишга тушириш юзасидан зиммага олинган мажбуриятлар муваффақиятли бажарилиши учун социалистик мусобақани ҳамма чоралар билан авж олдиришга қаратиш зарур деб топилди. Беш йиллик тўрт йили топширнгини Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги байрами кунигача бажариш мажбуриятини олган ишчилар бригадалари илғор коллективларининг ташаббуслари кенг қўллаб-қувватлансин ва ривожлантирилсин.

Мусобақадошларнинг диққат-эътибори иш сифати ва меҳнат унумдорлигини оширишга, механизм ва машина-ускуналардан фойдаланишни яхшилашга, бекор туриб қолишни тугатиш ва тежамкорлик режимига қатъий риоя этиш, моддий ресурслардан рационал фойдаланишга қаратилсин.

Зиммага олинган мажбуриятлар муваффақиятли бажарилиши учун пухта гарантия қилинсин, социалистик мусобақа якунларини чиқариб туриш практикаси яхшилансин, мусобақа якунлари ошкора бўлиши таъминлансин, мусобақадошларни маънавий ва моддий рағбатлантириш йўлларини, такомиллаштиришнинг конкрет тадбирлари ишлаб чиқилсин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети «Главсредазирсовхозстрой» зиммасига комбинатнинг қурилаётган объектларини зиммага олинган социалистик мажбуриятлар сўзсиз бажарилишини таъминлайдиган муддатларда бинокорлик материаллари, ностандарт металл конструкцияларга ва технологик ускуналар билан узлуксиз таъминлаб туриш мажбуриятини юклади.

Республика газеталарининг редакцияларига Қарши бинокорлик материаллари комбинати қурилиши боришини кенг ёритиб бориш таклиф этилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети «Каршистрой» партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, ҳамма ишчилари, инженер-техник ходимлари шонли воқеа — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигига тайёргарлик кўриб, Қарши бинокорлик материаллари ва конструкцияларн комбинатининг объектлари муддатидан илгари ишга тушириши учун социалистик мусобақани янада кенг қулоч ёйдирадилар ва шу билан КПСС нинг XXIV ва XXV съездларида белгиланган программани — ипак пахта навлари етиштирадиган янги пахтачилик райони барпо этиш программасини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшадилар, деб ишонч билдирди.

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

(Боши 1-бетда).

Илмий ёндошиш халқ хўжалигини бошқариш, давлатни идора қилиш проблемаларини тўғри ҳал этиш учун, шунингдек ҳам ички, ҳам ташқи сиёсат йўналишларини ишлаб чиқиш учун мажбурий талаб эканлигини ҳамиша эсда тутиш керак.

Социалистик дунё гуркираб ривожланмоқда ва социалистик мамлакатларнинг реал иқтисодий имкониятларидан илмий фикрлаш учун мўл-кўл озиқ беради. Давлатларнинг катта бир группасида социалистик қурилишни ғоят хилма-хил шароитларда амалга ошириш пайтида социалистик ривожланишнинг бизнинг мамлакатимиз тажрибасида биринчи бор намоён бўлган умумий қонуниятлари жуда яққол тасдиқланаётганлиги маълум. Аммо, мен социализм ва коммунизм қурилишининг умумий қонуниятлари тўғрисидаги тасаввурнинг ўзи тажриба орттан сари тобора чуқурлашиб, кўп қиррали бўлиб бораверишини таъкидлаб ўтмоқчиман. Бунинг устига турмушда марксизм-ленинизм позицияларида туриб илмий идрок қилиш лозим бўлган янги ҳодисалар, янги жараёнлар доимо вужудга келиб туради. Маълумки, Узоқ Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг XXX сессиясида муайян соҳалардаги узоқ муддатли программаларни ишлаб чиқиш тўғрисида якдиллик билан бир фикрга келинди. Социалистик мамлакатлар ўртасидаги ўзаро алоқаларни бундай чуқурлаштириш биргалай янги масалаларни кўтаради, шу пайтгача мутлақо ҳал этилмаган янги-янги проблемаларни олдимизга қўяди.

Халқ хўжалигининг энг мақбул структурасини шакллантириш проблемалари ҳам; бир қанча социалистик давлатлар ишлаб чиқаришининг энг асосий тармоқлари миқёсидаги ихтисослаштириш ва кооперациялаш, ишлаб чиқарувчи кучларни рационал жойлаштириш проблемалари ҳам; ўз фаолиятларининг ҳуқуқий ва иқтисодий нормалари ишлаб чиқилишини талаб қиладиган халқаро социалистик қўшма ишлаб чиқаришни вужудга келтириш проблемалари ҳам шулар жумласига киради.

Хуллас, бу соҳадаги масалалар жуда кўп ва бу масалаларга жавоб беришда чуқур марксча-ленинча илмий тадқиқотлар кўп жиҳатдан ёрдам бериши лозим.

Социалистик давлатларнинг иқтисодий ривожланиш даражаларини бир-бирига тенглаштириш проблемасини олиб кўрайлик. Бу проблема социалистик ҳамдўстлик доирасида амалий равишда ҳал этилмоқда. Бу проблема катта сиёсий ва илмий эътиборга ҳам сазовор эканлигини ўзларингиз тушунасиз.

Буларнинг ҳаммаси социалистик давлатларни бир-бирига яқинлаштиришнинг ҳозир социалистик дунё ривожидаги қонуният сифатида намоён бўлаётган кенг миқёсдаги, кўп қиррали жараёнидан олинган айрим мисоллардир, холос.

Бу жараённи сунъий равишда жадаллаштириш, шошмашошарлик қилиш, қистовга олиш нотўғри иш бўлиши биз учун ўз-ўзидан равшан. Аммо, уни тўхтатиб қолиш, унга ҳалақит бериш ҳам ҳато бўлур эди. Жаҳон социализм системаси ривожининг ана шу жараёнини ва бошқа кўпгина проблемаларини атрофлича тадқиқ этиш зарурати социалистик мамлакатлар илмий кучларининг яхши ҳамкорлигини талаб қилади.

Сизлар билан учрашган пайтда социалистик мамлакатларнинг олимлари инсониятнинг социал тараққиёти ишида ўзлари ўйлаётган роль билан ҳақли равишда фахрланишлари тўғрисида гапирмай ўта олмайман. Бу юксак роль сизларнинг бевосита ишингиз билан, социалистик давлатларнинг экономикаси ва маданияти учун, уларнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш учун ғоят катта аҳамиятга эга бўлган ишингиз билан боғланган.

Бу роль социалистик мамлакатлар олимларининг ҳозирги даврда инсоният олдида пайдо бўлган жаҳоншумул проблемаларни ҳал этишдаги актив иштирокидан келиб чиқади. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш, энергетика проблемаларини ҳал этиш, инсоннинг энг хатарли касалликлардан халос қилиш ва шу кабилар тўғрисида гап борганда шундай бўлмоқда.

Ниҳоят, бу нарса социалистик мамлакатлар олимларининг тинчликни мустаҳкамлаш, ядро уруши хавфини тугатиш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш учун курашдаги актив ва фаол иштироки билан белгиланади, албатта. Социализм мамлакатларининг олимлари социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари ўтказаётган тинчликсевар ташқи сиёсатни амалий равишда қўллаб-қувватлаётганликлари, бутун дунё олимларининг куч-ғайратларини ер юзидаги барча халқларнинг мустаҳкам тинч келажаги йўлида бирлаштириш учун сабот билан ҳаракат қилаётганлиги факти бизни мамнун этади.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси бундан олтмиш йил муқаддам тинчлик байрогини, эркин меҳнат байрогини баланд кўтарди. Шу байроқ остида кўпгина шонли ғалабаларга эришилди. Бинобарин, Улуғ Октябрнинг шонли йиллигига социалистик мамлакатларнинг халқлари маҳкам жипслашиб ҳозирлик кўраётганликлари, ҳамкорлигимиз ҳамма соҳаларда, шу жумладан, илм-фан соҳасида ҳам тобора интенсив тус олаётганлиги бизни қувонтиради ва илҳомлантиради. Мен фанни ривожлантириш билан боғлиқ энг муҳим жиҳатлар устидагина тўхталиб ўтдим. Фанни ривожлантиришнинг ҳамма соҳалари ҳақида гапириш қийин, албатта.

Пировардида, азиз ўртоқлар, сизларнинг ҳаммангизга ишингизда катта ижодий муваффақиятлар тилаб, социалистик мамлакатлар Фанлар академияларининг ҳамкорлиги тинчлик ва социализм манфаатларига, бутун инсоният манфаатларига хизмат қиладиган янги илмий кашфиётларга олиб келади, деб ишонч билдирмоқчиман.

* * *

Ўртоқ Л. И. Брежнев нутқи зўр эътибор билан тингланди ва қарсаклар билан кутиб олинди.

Учрашувда ҳозир бўлганлар номидан БХР Фандар академиясининг президенти А. Балевски гапириб, илм-фаннинг вазифалари, социалистик ва коммунистик бунёдкорликда илм-фаннинг роли тўғрисида ниҳоятда мазмунли суҳбати учун Леонид Ильич Брежневга самимий миннатдорчилик билдирди. У социалистик мамлакатлар Фанлар академияларини президентларининг Москвадаги кенгаши ажойиб қардошларча ҳамкорлик — мақсад ва идеаллар бирлиги билан бирлашган кишилар ва халқлар ҳамкорлигини кенгайтириш, чуқурлаштириш ва мустаҳкамлашга қўшилган ҳиссадир, деб таъкидлади. Бизнинг академияларимиз, деди А. Балевски, ўз халқи олдидаги, социализм олдидаги, мамлакатларимизнинг келажаги, бутун инсониятнинг келажаги йўлидаги бурчи ва масъулиятини чуқур тушунади.

Ўртоқ Л. И. Брежнев суҳбатни тугатаётиб, қардош мамлакатларнинг раҳбарларига, социалистик давлатларнинг олимларига самимий салом айтди ҳамда уларга коммунистик ва ишчи партияларининг съездлари қўйган вазифаларни бажаришга астойдил бел боғлаганликларини яна намойиш қиладилар, деяпди.

(ТАСС).

МУСОБАҚА БАЙРОҒИНИ БАЛАНД КЎТАРАЙЛИК

(Боши 1-бетда).

Докладлар юзасидан бошланган музокарада биринчи бўлиб сўзни «Ўзбекшахтострой» трестига қарашли 6-қурилиш бошқармаси комплекс бригадаси бошлиғи **Д. А. Зазулин** олади.

— Ўтган беш йилликда тўпланган тажрибага амал қилиб биз бу беш йилликда ҳам икки беш йиллик топшириғини бажаришга қарор қилганмиз, — деди у. — Бригадамизнинг ўттиз аъзоси бор. Уларнинг ҳаммаси юксак малакали ишчилардир. Шу боисдан ҳам ишларимиз ҳамиша сифатли чиқади. Ҳозир биз Ангренда янги турар-жой кварталини бунёд этаяпмиз. Олдинги йилларда авторемонт заводи, резина буюмлари комбинати корпусларини бунёд этган эдик. Бу йил бригадамиз ҳар бир аъзоси 19 минг сўмлик иш бажаришга сўз берган. Улуғ Октябрнинг 60 йиллигигача 550 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширамиз. Бу бригада учун икки йиллик пландир. Иш ҳажмининг 75 процентини Злобин усулида бажарамиз.

Автотранспорт ва тош йўллар ишчилари касаба союзлари области комитети раиси **А. Собиров** коллективлараро ташкил этилаётган мусобақа самаралари тўғрисида конференция делегатларига сўзлаб берди.

Делегатлар Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхози сут соғувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати **Мунаввар Исоқованинг** сўзларини диққат билан тингладилар.

— КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневнинг ҳамкасбимиз Анастасия Ивановна Чудналяга йўллаган мактуби қасбларимизга олам-олам қувонч ва ғайрат бахш этди, — деди у. — Колхозимиз чорвадорлари ўтган йили 1650 тонна сут ишлаб чиқариб, катта зафар қучдилар. Менинг ўзим қарамоғимдаги 30 бош сигирнинг ҳар биридан 6100 литрдан сут соғиб олдим. Бу йил кўзланган марамиз яна ҳам юксак. Қашқадарёлик чорвадорлар ташаббусини қўшиб, чорва маҳсулотлари ишлаб чиқаришни янада кўпайтиришга аҳд қилганмиз. Мен ҳар бош сигирдан 6200 литрдан сут соғиб олиб, давлатга жами 186 тонна сут маҳсулоти топшириш мажбуриятини олдим.

В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари **Ф. Нажмиддинов** партия ташкилоти раҳбарлигида касаба союзлари бажараётган ишлар устида тўхталди. Корхонада мусобақанинг турли формалари қарор топган. Зиммага олинган юксак мажбуриятларни муваффақиятли бажариш юзасидан бошланган мусобақа давомида янги-янги ташаббуслар тугилаяпти. Жумладан, йўлчувчи слесарь Н. Маннопов бир беш йилликда икки беш йилликни бажаришга, Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини тўрт йиллик плани адо этиш билан кутиб олишга аҳд қилган.

Тошкент Давлат университети ректори, академик **Т. А. Сарымсоқов** олий таълим ходимлари ва студентлар учун яратиб берилаётган қулайликлардан мамнун бўлиб гапирди.

— Биз 72 гектар ерда деҳқончилик қиляпмиз, — деди Куйи Чирчиқ районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози звено бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Анвер Алиев.** — Ўтган йили пландаги 38 центнер ўрнига 57,6 центнердан хирмон кўтардик. Пахтанинг таннархи 22 сўмдан 18 сўм 50 тийингача арзонлашди. Бу йил ҳосилдорликни 60 центнерга етказишга аҳд қилганмиз.

Музокарада қатнашган Тошкент тўқимачилик комбинати касаба союз комитетининг раиси **О. Зуфаров,** «Ўзбекгидроэнергострой» трести бошқарувчиси **Ҳ. Шогазатов,** Олмалиқ кон-металлургия комбинати кўргошин бойитиш фабрикаси флотатори **Н. Г. Дементьева,** область халқ контроли комитети раиси **М. М. Муллаев** ва бошқа ўртоқлар ҳам социалистик мусобақани ташкил этиш, касаба союзлари иш форма ва методларини такомиллаштириш, кадрлар активлиги ва ташаббускорлигини оширишга ёрдам берувчи қимматли таклифларни билдирдилар.

* * *

Конференцияда Тошкент область партия комитетининг иккинчи секретари **В. В. Окунский** нутқ сўзлади.

Конференцияда муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Конференцияда область касаба союзлари Совети ва область касаба союзлари ревизия комиссиясининг янги состави сайланди.

Конференция Ўзбекистон касаба союзларининг XI съезди ва СССР касаба союзларининг XVI съездига делегатлар сайлади.

БУЮК ПОЧИННИНГ ШОНЛИ АНЪАНАЛАРИ

Москвадаги илғор корхоналар 16 апрелда В. И. Ленин туғилган кунининг 107 йиллигига ва Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигига бағишланган Коммунистик шанбалик ўтказиш тўғрисидаги ватанпарварлик ташаббуси билан чиқдилар. КПСС XXV съезди қарорларидан руҳланган бу илғор корхоналарнинг коллективлари пойтахт меҳнаткашларини шу куни аъло сифатли рекорд маҳсулот чиқаришга, юксак меҳнат унумдорлигига эришишга, тежаб қолинган энергетика ресурслари, хом ашё ва материаллар ҳисобига ишлашга даъват этдилар.

16 февраль куни «Буюк почин» дкёри — Москва—Сортировочная локомотив депосида кўп кишилик митинг бўлиб ўтди. Корхона меҳнаткашлари «КПСС XXV съездн қарорларини бажарамиз!», «Самарадорлик ва сифат беш йиллигига — ишчи кафолати», «Коммунистик шанбалик кунида ғоят унумли меҳнат қиламиз!» деган сўзлар ёзилган шиорлар билан тайёрлов цехига тўпландилар. КПСС XXIII съезди номли комсомол-ёшлар колоннаси кенгашининг раиси, электровоз машинисти, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. Ф. Соколов ўз ўртоқларн номидан депо коллективини шанбаликни зарбдор юқори унумли меҳнат билан нишонлашга чақирди. Коллектив вакиллари, деди у, шу куни пассажир ва юк ташиш юзасидан барча ишларни, станцияларда поездларни тузишни тежаб қолинган электр энергия ва дизель ёқилғи ҳисобига бажаришни, ишлаб топилган маблағларни ўнинчи беш йиллик фондига ўтказишни таклиф қилди.

Мамлакатда биринчи коммунистик бригаданинг аъзоси, слесарь А. И. Павлюткин, комсомол комитетининг секретари Н. К. Васин, депо бошлиғи Н. Г. Рябин навбатдаги шанбалик алоҳида ёркин меҳнат байрами бўлади, деб таъкидладилар. Чунки бу шанбалик шонли юбилей йилида — Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги нишонланадиган йилда ўтказилади. Депо меҳнаткашлари шанбалик куни да еттита локомотивни — одатдагидан учта кўп локомотивни, шунингдек битта кранни ремонт қилиб бериш, локомотив бригадалари эса 16 апрель куни 86 миллион тонна-километр ҳажмдаги ишларни тежаб қолинган электроэнергия ҳисобига бепул бажариш мажбуриятини олдилар. Коллектив тежаб қолинган материаллар ва электр энергия ҳисобига меҳнат қилади.

Митингда темир йўллар министри И. Г. Павловский сўзга чиқди. У қимматли ташаббус учун шонли коллективга ташаккур изҳор этиб, коммунистик қурилиш ишида темирйўлчиларнинг янгидан-янги меҳнат муваффақиятларига эришувларини тилади.

Владимир Ильич номли Москва электромеханика заводининг меҳнаткашлари улкан ишлаб чиқариш корпусида тўпландилар. Бу корпус В. И. Ленин бир неча марта нутқ сўзлаган цех ўрнида барпо қилинган. Стерженчи В. И. Кузнецов, караселчи токарь В. И. Викторов, завод партия комитетининг секретари В. Д. Гайдуков, комсомол-ёшлар бригадасининг бошлиғи А. Г. Тютюкина ва бошқалар Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг асосчиси ва бу йил олтмиш йиллиги нишонланаётган жаҳонда биринчи социалистик давлатнинг бунёдкори туғилган кунни янги меҳнат зафарлари билан нишонлаш коллективда ажойиб анъана бўлиб қолганлигини айтдилар.

Сўзга чиққан нотиқлар Коммунистик шанбаликка таъёргарлик кўраётган корхона ходимларининг меҳнат ғайрати тўғрисида гапирдилар. Машинасозлар шу куни 127 та турли маркали электромотор, 93 та кўчма электростанция, 26 та генератор, 212 та кир ювиш машинаси ва бошқа кўпгина буюмларни ишлаб чиқариш мажбуриятини олдилар.

И. А. Лихачев номли автомобиль заводининг инструменталь корпуси байрамлардагидек безатилган. Митингни завод партия комитетининг секретари В. А. Красильников очди. Илғор коллективларнинг вакиллари — чўян қуйиш цехининг формовкачилар бригадири В. Г. Кузнецов, биринчи механика йиғиш корпусининг бошлиғи А. А. Большаков, созловчи, пресслаш корпуси комсомол комитетининг секретари Валентина Кирсанова В. И. Ленин туғилган кунининг 107 йиллиги ва Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига 16 апрелда Коммунистик шанбалик ўтказишни таклиф қилдилар. Улар шу куни ғоят унумли меҳнат қилишга, тежаб қолинган хом ашё ва материаллар ҳисобига ишлашга, ишлаб топилган маблағни ўнинчи беш йиллик фондига топширишга чақирдилар. Ҳозир бўлганлар бу таклифларни қизғин қўллаб-қувватлашди.

«Трехгорная мануфактура» комбинати, Оржоникидзе номли ва «Серп и молот» заводларининг, «Красный богатырь» бирлашмасининг, «Рот—фронт» комбинатининг, «Главмосавтотранс» 1-автомобиль базасининг коллективлари шу куни бўлиб ўтган митингларда ва йиғилишларда коммунистик шанбаликда иштирок этишга яқдиллик билан қарор қилдилар. Сўзга чиққан нотиқлар Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетини, унинг Сиёсий бюросининг ва шахсан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневни ишонтириб, совет кишилари коммунистик меҳнат байрами кунида ўнинчи беш йиллик улуғвор вазифаларини бажаришга астойдил бел боғлаганликларини яна намойиш қиладилар, деяпди.

(ТАСС мухбири).

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КАСАБА СОЮЗЛАРИ СОВЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Тошкент область касаба союзлари Советининг ташкилий пленуми бўлиб ўтди.

Пленум А. В. Браиловни область касаба союзлари Совети раиси қилиб сайлади.

Область касаба союзлари Совети секретарлари қилиб С. У. Муҳаммаджонова, В. И. Козлов, М. И. Йўлдошева ўртоқлар сайландилар. Область касаба союзлари Советининг жамоатчилик асосида ишловчи секретарлигига Тошкент тикувчилик бирлашмаси тикувчиси Я. Муфтахунова сайланди.

Область касаба союзлари ревизия комиссиясининг ташкилий мажлиси бўлиб ўтди. Г. А. Богальчук комиссия раиси қилиб сайланди.

ЖУРНАЛИСТЛАР МАҲОРАТИ МАКТАБИДА

Тошкент область партия комитети ҳузуридаги журналистлар маҳорати мактабининг навбатдаги машғулоти бўлиб ўтди.

Машғулотда В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети журналистика факультети декани, филология фанлари кандидати, доцент А. Ш. Шомақсудов район газеталарининг тили ва стили тўғрисида лекция ўқиди. «Тошкент ҳақиқати» газетаси редакторининг ўринбосари С. Ғ. Мусаев Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига тайёргарликни ёритишда область оммавий информация ва пропаганда воситаларининг вазифалари тўғрисида гапирди.

ТОШКЕНТ МЕТРОСИ УЧУН

Москва ва Ленинградлаги метрополитенлар станцияларини безашда Латвиядаги «Максла» комбинати коллективининг ҳам муносиб инкоди ҳиссаси қўшилган. Қўли гул бу моҳир усталар Тошкент метроси станцияларига сайқал бериш учун жозибали манзаралар эскизларини яратдилар.

Ҳозирда улар Тошкентда бу санъаткорона маҳоратларини ишга солмоқдалар. Айниқса, моҳир уста Х. Ризин бошлиқ ганчкорлар бригадаси фаол меҳнат қилмоқда.

Комбинат коллективи клуб ва маданият уйлари биноларини безашга ҳам аҳд қилди.



Тошкентдаги «Учқун» тўқимачилик-галантерея фирмасининг ишчи-хизматчилари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини муносиб равишда кутиб олиш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар. 1977 йилда фирмада 20 миллион сўмлик халқ истеъмол буюмлари ишлаб чиқарилади. Бу эса коллектив меҳнат аҳлининг байрамга совғаси бўлади. Суратда: илғор ишчилардан коммунистик меҳнат зарбдорлари Л. Шокаримова ва Ш. Шоҳамедов иш устида.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

ДЎСТЛИК ИПЛАРИ

Мана бир неча йилдирки, асарларига аталган ўқувчилар конференцияси ўтказилади. Кончиларда социалистик Болгарил адибларининг асарларига бўлган қизиқиш янада ортди.

«Средазуголь» бирлашмасининг Ангрендаги 9-шахтаси коллективи орасида Совет—Болгар дўстлиги жамиятининг қуйи ташкилоти муваффақиятли иш олиб бормоқда. Шахта директори Аҳмаджон Мусажонов бошқараётган мазкур ташкилот қардош болгар халқининг социализм қуриш йўлидаги муваффақиятлари билан кончиларни мунтазам , равишда таништириб бормоқда.

Шахтёрлар кутубхонасида Совет—Болгар дўстлиги доимий бурчаги чиройли безатилган. Бу ерда Болгария Халқ Республикаси тўғрисида ҳикоя қилувчи фотосуратлар, китоб ва журналларни кўриш мумкин. Яқинда бу ерда болгар ёзувчиларининг кон тозалаш забойининг бригада бошлиғи А. Гареев, кончи У. Бердиев, ишчи В. Жаркова Болгарияга қилган сафарлари тўғрисида кончиларга батафсил ҳикоя қилиб бердилар.

Кончилар отилғидаги 2-ўрта мактабда интернационал дўстлик клуби ишлаб турибди. Клуб аъзолари Болгария ҳақида кўп нарса билишади. Бу ерда ўтказилаётган дўстлик кечалари одатда Болгария композиторларининг асарларидан тузилган концертлар билан тугайди. Мактаб ўқувчилари қардош мамлакатдаги ўз тенгдошлари билан ёзишиб туришади, ўзаро фото альбомлар, чиройли совғалар алмашишади.

Ф. ПЕТРОВ.

ШЕЪРИЯТИМИЗНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

АДАБИЙ-БАДИИЙ ТАНҚИДЧИЛАР ДАВРАСИДА

1976 ИИЛ ўзбек шеърияти учун ҳам баракали ва қутлуғ йил бўлди. Ўйлайлик, 1976 йилдаги ўзбек поэзияси ҳақида кимдир, қачондир мақола ёзмасин, у албатта бир улуғ воқеадан бошлайди — йил бошида Ватанимиз пойтахти Москвада ўзбек поэзияси кунлари ўтди. Буни «улуғ воқеа» деб аташимга сабаб шуки, поэзия кунлари партиямизнинг тарихий XXV съезди арафасида бўлди. Ўзбек шоирлари ишчилар давраларида, студентлар аудиторияларида, пойтахт атрофидаги колхоз ва совхозларнинг маданият клубларида ижодий ҳисобот бердилар, шеъриятимиз ютуқларини намойиш этиб, москвалик талабчан адабиёт муҳлисларининг олқиши ва таҳсинига сазовор бўлишди.

1976 йилдаги ўзбек шеърияти ҳақида гапирганда яна бир қутлуғ воқеани тилга олмай илож йўқ. — Октябрь революциясининг 59 йиллиги нишонланаётган шодиёна кунларда Москвадан яна бир шодиёна хушхабар келди — севикли шоиримиз Зулфияга СССР Давлат мукофоти берилибди. Жаҳонга донғи кетган ўзбек шоирасининг Ватанимиздаги энг олий мукофотлардан бирининг лауреати бўлгани республикамиздаги ҳар бир поэзия ихлосмандининг қалбида ифтихор туйғуларини жўш урдирди.

1976 йилда ўзбек поэзиясида содир бўлган муҳим воқеаларни санаганда, бир қатор поэтик асарларнинг босилиб чиққанини таъкидлаш керак. Ўтган йил Ўзбекистон халқ шоири Миртемирнинг иккита китоби босилди. Буларнинг бири Москвада «Совет поэзияси кутубхонаси» сериясида нашр этилдики, бу серияда китоб чиқариш ҳар қандай шоир учун ҳам ғоят шарафли ишдир. Шоирнинг яна бир китоби Тошкентда Ғафур Ғулом номидаги нашриёт томонидан «Излаганим» номи билан чоп этилди. Бу тўпламга Миртемирнинг сўнгги йилларда яратилган янги шеърлари киритилган бўлиб, уларни ўқиганда кишида шоирнинг қайта яшариб бораётганига шубҳа қолмайди. Мен буни тўпламдаги муҳаббат ҳақида ёзилган шеърларга қараб айтаётганим йўқ. Балки ҳар қайси шеърдаги фикрнинг тиниқлигига, ҳислар жўшқинлигига, эҳтиросларнинг ўткирлигига қараб айтяпман. «Излаганим» тўпламидаги шеърлар ҳақиқий истеъдод ҳамиша навқирон эканини яна бир карра исбот қилади.

1976 йилда Москвадаги «Советский писатель» нашриётида Шукруллонинг «Опора» («Таянч») деган каттагина китоби эълон қилинди. Бошқирдистон халқ шоири Мустай Карим «Литературная газета»да босилган тақризида бу китобни кўпмиллатли совет поэзиясида катта воқеа деб атаб, юқори баҳолади.

1976 йилда ўзбек тилида босилиб чиққан ўнлаб поэтик китоблар орасида яна бирини алоҳида таъкидлашни истардим — бу Эркин Воҳидовнинг «Муҳаббат» номли китобидир. Тўғри, бу китобга кирган шеърлар ҳаммамизга яхши таниш. Шоир «Муҳаббат»га шу пайтгача яратган энг яхши шеърларини киритган. Аммо шуниси диққатга сазоворки, ҳаммамизга таниш бўлган поэтик асарлари бир мукова остига жам бўлиб, ўзгача салобат касб этипти. Аниқроғи «Муҳаббат» китоби Эркиннинг шоир сифатидаги фазилатларини чуқурроқ англаб олишга, унинг бугунги шеъриятимизда тутган ўрнини тўлароқ тасаввур қилишга имкон беради.

Ниҳоят, 1976 йилда буюк Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сидан биринчи жилд Шоислом Шомуҳамедов таржимасида ўзбек тилида босилиб чиқди. «Шоҳнома» авалроқ эълон қилинган Дантенинг «Илоҳий комедия»си ва Гётенинг «Фауст»ига қўшилиб, бугунги ўзбек шеъриятининг юксак камолотидан далолат беради. Чунки жаҳон адабиётининг бу шоҳ асарларини ўзбек шеърида муваффақиятли жаранглата олиш учун бениҳоя ўткир истеъдод ва ғоят юксак бадиий — маданий савия кераклиги маҳсус исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир.

Мен поэзиямизнинг бир йиллик ҳаётидан олинган баъзи бир фактларнигина санадим, бироқ шу фактларнинг ўзиёқ ўзбек шоирлари йил давомида халқимиз билан ҳамнафас, яқдил бўлиб, замон суръатидан ортда қолмасликка интилиб одим отганини яққол кўрсатиб турибди.

Йил давомида шеъриятимизнинг ички ҳаёти ҳам ғоят мазмундор ва мароқли бўлди — шоирларимизнинг кўпчилиги янги асарлар яратиб, китобхонларни ҳушнуд этишга интилишди. Агар менга «1976 йилда яратилган поэтик асарлар ичида энг яхшисини белгилаб бер» деб мурожаат қилишса, қийин аҳволга тушиб қолишим турган гап, чунки бундай асарлар анча. Уларнинг баъзиларини кўриб чиқайлик. «Шарқ юлдузи» журналининг 9-сонида Зулфия «Сени куйлайман, ҳаёт» туркумидан ўн учта янги шеър эълон қилди. Уларнинг ҳаммаси ҳам шоира истеъдодининг ғоят баркамоллигидан гувоҳлик беради. Бу шеърларда бой ҳаётий тажрибага эга бўлган эҳтиросли ёниқ қалбнинг ҳарорати яққол сезилиб туради. Уларда нозик бир теранлик билан ҳаётнинг сиру-асрори ҳақидаги, неъматлари ва кемтиклари тўғрисидаги ўйлар ифодаланган. Шоира меҳнати, ижоди билан, катта изтиробларнинг эвазига ўзи кашф этган хикматларни китобхонга тақдим этади. Энг муҳими эса, бу шеърларда инсонни инсон қиладиган сифатлар тасдиқланди. Шоира лоқайдликни, ҳудбинликни қоралайди, «инсон қалбидан қўполлик излаб» олга талпинувчи, гўзалликка интилувчи, ором билмай яшовчи қалбни улуғлайди, чақмоқдай чақнаб яшашни мадҳ этади. Мана, «Дўстларим» шеъри. Унда дўстлик туйғуси, одамлар қалбида бир-бирига жўш урган меҳрибонлик туйғуси ифодаланган. Шоира дўстлар даврасини, уларнинг қайноқ бахсларини қўмсайди, чунки бу отошлардан дил ўт олади. Дилнинг оловланиши эса инсон ҳаётининг зарур шартларидан биридир:

Чақнаш билмай сояда юзи,
Яшагандан — чақмоқлик афзал.
Сокинликни севмайман ўзи,
Ўлсам ўлай, дўстлар жам маҳал.

Ўтган йили яратилган шеърлар ичида Асқад Мухторнинг «Мен дунёга келиб дунё орттирдим» ва «О, юлдузлар, тунги ошналарим» туркуми, шунингдек, декабрь ойида «Тошкент оқшоми»да ва куни кеча «Совет Ўзбекистони»да босилган шеърлари алоҳида ажралиб туради. Буларнинг ҳаммаси ҳам чинакам лириканинг намунаси — уларда шоир теран фикрларнинг инсоний туйғулар билан чамбарчас бирикиб кетишига эришга олган. Шунинг учун ҳам бирор шеърини айрича олиб, бу фалон темада ёзилган, фалондай мазмунга эга деб айтиб бериш жуда қийин. Асқад шеърларининг ҳаммаси ҳам инсон ҳақидаги, унинг мушкул ва мураккаб ҳаёти ҳақидаги, инсонни инсон қиладиган фазилатлар тўғрисидаги ўйлардан иборатдир. Бу ўйлар шоирнинг ҳаётий тажрибасига йўғрилган бўлиб, қалбнинг энг теран жойларидан чиққани учун ғоят ҳаётий ва самимийдир. Умуман, айтиш керакки, Асқаднинг бу шеърлари бугунги лирикамизнинг гуманистик мазмунини бойитувчи, унинг инсонийлигини кучайтирувчи, шеъримиздаги реализм уфқларини кенгайтирувчи шеърлардир. Шоир шеърларида бутун жаҳон тақдирини ўйлаётган, муттасил инсон ҳаётининг маъносини изловчи ва бу ҳаракатда муҳим ҳақиқатларни кашф этувчи, руҳан бой замондошимиз қиёфаси мавжуд. Унинг муҳаббати кенг ва теран, нафрати ҳам муҳаббати каби ёлқинли ва отошли. У инсон ҳаётининг бутун мураккаблиги, сирусарори билан гўзал бўлишини орзу қилади. У табиатнинг гўзаллигига, инсон бахтининг мукаммал бўлишига интилади. Мана, «Бизнинг богда» деган ибора билан бошланувчи бир неча шеър. Уларнинг биринчисида ўтлар орасида яшил чигиртканинг чириллаши шоир ҳисларини қўзғайди. Кейинги шеърда тун маҳали эшитилган укки наласи шоир қалбини увиштиради. Кейин биринчи қор шоирни ўйга толдиради. Ниҳоят, богда ҳар тонгда янгровчи муҳаббат куйи шоирга илҳом беради. Лекин шоир шу ҳаётий фактлар ёки деталларни тилга олиш билан чекланмайди, албатта. Улар-

СЎЗИ ЎЗИ БЎЛГАН ШОИРНИ ЭСЛАБ

ҚУДРАТ ҲИКМАТ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА



Улуғ эрур типлига шоксташ,
Билки кичикликда зўр парвариш.
Аввали қўймоқлиқ керак яхши от,
Ким десалар етмасин анга уят.

(Алишер НАВОИЙ).

УЛУҒ мутафаккир, устоз шоиримиз Алишер Навоий деганларидек, болаларимизнинг меҳрибон шоири, марҳум Қудрат Ҳикматжоннинг ҳам ота-оналари от қўйишда айни ниятга мослаб, рослаб, бежиз, беиз айтмаган эканлар. Қудратжон ҳам ўз номларига муносиб, энг гўзак чоғидан шеърият фидоси, шайдоси эканликларини мен бир ўқитувчи устод ҳолида кўрган-билганимни сўзлаб бергим келади. Марҳум Қудрат Ҳикматжон ўз номига лойиқ Қудрат Хикмат бўлди. Қудрат сўзининг туб маъносимазмуни эса, одамий фазлифазилати истеъдодининг тўрт уфқини ишга сола олган, ўзини ўзи қўлга ололган, улкан йўлга салолган илҳомкаш демакдир. Маълумки, болаларнинг шоири, адиби бўлиш ҳазилакам иш эмас, албатта. Бунинг учун ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайдиган туғма истеъдод эгаси бўлиш шартлигини устоз Белинский айтганларидай, Қудратжон ҳали ўқувчи бола кезлари 22-мактабда ўқиб, дарсидан сўнг Октябрь район Қошиқчилик маҳалласида жойлашган Николай Островский номидаги пионерлар саройида, менинг адабиёт тўгарагимга қатнашган онларидаёқ, унинг қудрати, ҳикмати, меҳри, қадди-қомати шоён қалдирғоч ижод жараёнларида яққол кўзга ташланар, бўлажак шоирнинг ҳар бир сўзи, ўргамчик машқий шеърлари қандайдир ёқимтой, табби, истараси иссиқнамо эди. Бу ҳолни қардош қозоқ адабиётининг отахон шоири Обой Қўнонбой шундай таърифлайди:

Шеър—сўзнинг подшоси,
сўз сараси,
Кийимдан қийиштирар эр доноси,
Тилга равшан, юракка иссиқ тегар.
Теп-текис тухумдайдир айланаси.
Бегона сўз-ла булганса сўз сараси,
Шоирнинг билимсизи, бечораси.

Қудрат Хикмат совет адабиётимизнинг азм мевадор дарахтининг ўзвий бир гўзал шоҳи бўлган болалар адабиётига меҳр-муҳаббатлилиги, меҳру меҳнат кучини сидқидил бағишлаган, тинимсиз ижод жараёнида излаб топган болажонли шоир эди. Улкан ҳаётимизнинг меҳр, юрак дошқозонида қайнаб Октябрь фарзандларига одамий-оламий ёш қалб боғу чаманидан ажойиб сўлмас гулдасталар, шеърий-сеҳрий, нектар, ширин, шарбат, қуввати боғларни тайёрлаб берувчи соҳибкор шоир эди. Қудратжоннинг ўзига хос хислатларидан бири шундаки, у ҳар бир шеърини қоғозга ёзишдан аввал юрак ва миясида роса пиширib, қиёмига етилтириб, сўнгра қоғозга туширарди. Қудратжон деярлик жамики шеър, эртак, достонларини дўмбирасиз оқин шоирдай хотирасида сақлаб, ёддан айтар эди. У ўз ижодининг жони-дили, табиий фидоси, меҳнаткаши бўлиб, ҳар бир ёзган асарини фарзандидек дил қатида сақлар, назаримда, ҳар бир шеърий сўзи ичида ўзи одамий-оламий табиатга эгалиги билан ардоқлидир. Шу манзараниng тасдиғига шоҳид Қудратжоннинг ўз ижодидан бир намунали нусха:

Китобга ўч ўгилчам,
Олтин топган сингари.
Чиқса янги бир асар
Ўқир мендан илгари.
Майли бўлсин ҳикоя,
Ёки тўрт йўл қувноқ шеър.
Айвончада мук тушиб
Шарриллатар Алишер.
Қош қорайиб кетгунча,
Қўлдан тушмас китоби.
Унга ёққан шеърларнинг
Ҳозирча йўқ ҳисоби.
Олимдек серҳаракат,
Ишлар пухта берилиб,
Унча-мунча ёшлардек
Ошиб кетмас керилиб.
Турна қатор саволга
Солдат каби донм шай.
Ҳозиржавоб бўлмасди
Шунча китоб ўқимай.

Ушбу «Алишер ва китоб» шеърини ўқиб, мазмун-мағзига теран разм солганимизда, менимча, Алишер айнан Қудратжоннинг мактабда ўқиб, пионер саройига қатнаб юрган кезларининг гўзал, ўзар манзара жамолидир. Шунингдек, яна бир «Қўмсаш» шеъри ҳам жуда ажойиб, мўъжизавий, унда она-боланинг, меҳру вафо ифодасининг расо, тўла-тўкис, сурат манзарасини чизган:

Бузиб бўлмас марҳума,
Онамнинг уйқусини.
Ғира-шира эслайман,
Ҳозир унинг тусини.
Қора мағиз, ўрта бўй,
Сочи худди қуш қамчин.
Гоҳ киприги пир-пираб
Дерди: — Бахтим,
ёрдамчим.
Сал шомоллаб учинсам,
Шўрлик гирди-капалак.
Нега захда ўйнадинг,
Болажоним, сопалак.
Иссиғинг бор озгина,
Соғаясан тер қуйиб.
Жоним сенга қоқиндиқ,
Ўралиб ёт дер куйиб.
Кўзларинг ҳам киртайган,
Лат егандек гул-ғунча.
Ҳали қанча йил ўтар,
Сени катта қилгунча.
Ўжарлигинг тушмагур,
Онангни тез қаритар.
Мўмин-қобил бўл қўзим,
Шод кўнгил дард аритар.
Боқсам бўйи-бастингга,
Кун чиқиб ич-ичимдан
Босгим келар бағримга.
Ардоқлаб севинчимдан,
Бошим етар осмонга.
Норим бор деб қаторда,
Умр, бахтинг тилайман,
Сенга ҳар тонг отарда,
Роҳатини кўр бўтам.
Қилган орзу-ўйинғинг.
Ҳеч армоним қолмасин
Кўриб-ўлсам тўйинғин.
Йироқ кунгай айвонда,
Айтарди ўз дардини.
Афсус онам ёш кетди.
Топарманми гардини?
Рухсорини кўрмоққа
Кўнглим доим кетар зор.
Қарай десам раъми йўқ.
Аммо, ўйи, ўрни бор.
Энди бўлса раҳматли,
Қувонарди бир дунё.
Шоир ўғли наздида,
Ҳамон тирик у гўё.

«Қўмсаш» шеъри, назаримда, она-бола меҳри вафосини қўшқўлалоқ, ўлмас-йитмас, абадий ҳайкаллардек, кичкинтой ўқувчи авлод-аждодларга ҳамиша меҳри-вафода ўрнак бўлиб ёқимли ва ёрқин порлаб турғусидир. Менимча, Қудратжоннинг, сўзи-ўзи, шеър, эртак, достонлари бағрида доимий тирик шоир Қудрат Хикмат бўлиб, яшаб-яшнаб юрибди. Марҳумнинг ўзи айтган шеърий сўзидек, унинг қалби офтоб чеҳраси мисол доимо порлаб туражак:

Олмос менинг юрагим,
Толмас менинг юрагим.
Ким айтади шеъримда,
Қолмас менинг юрагим,
Ўлмас менинг юрагим.

Қуддас МУҲАММАДИЙ,
Ҳамза номидаги Республика Давлат мукофоти лауреати.

Дунё овози
чет эл хабарлари

УЛУҒ ОКТЯБРНИ БАЙРАМ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

ВАРШАВА, 16 февраль. (ТАСС). Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини байрам қилиш тўғрисида» қарор қабул қилди. Ҳужжатда Улуғ Октябрнинг поляк халқи Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини нишонлар эканлар, Совет Иттифоқидаги дўстларимизга самимий ҳис-туйғулар ва қизғин истаклар изҳор этадилар, дейилади қарорда.

ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюроси халқ бирлиги фронтини, мамлакатдаги сиёсий ва жамоат ташкилотларини, илмий институтлар ва маданий муассасаларни Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини байрам қилиш программасини ишлаб чиқишга даъват этди.

ЖАҲОН ГАЗЕТАЛАРИНИНГ САҲИФАЛАРИДА

Социалистик мамлакатлар матбуотининг хабарларига қараганда, Чепель комбинати ишчиларининг намунаси асосида тобора янги-янги коллективлар ўз зиммаларига оширилган мажбуриятлар олиб, Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига бошланган меҳнат беллашувига қўшилмоқдалар. Болгариядаги газеталар Силистра ва Михайловград округларидаги меҳнаткашларининг мажбуриятларини эълон қилмоқдалар.

Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақа авж олиб бораётганлиги тўғрисида корхоналардан ва қишлоқ хўжалик кооперативларидан олинаётган хушхабарлар бу йилги ишлар муваффақиятли бошланганлигидан далолат беради, деб ёзади Венгриядаги «Непсабадшаг» газетаси. Бу эса планни бажариш учун қулай шароит яратади. Чунончи, январь ойида, дастлабки маълумотларга қараганда, саноат ишлаб чиқариши 1976 йилнинг январига нисбатан 10 процент кўпайди.

Чехословакиядаги «Руде Право» газетаси социализм мамлакатларида демократия равнақ топаётганлиги тўғрисида ёзади. Одам одамни эксплуатация қилишини ва синфий зиддиятларни тугатган, инсон шахсининг тўла камолотини таъминлаган ижтимоий тузумгина уруш можароларининг олдини олишга, мустаҳкам тинчликка интилувчи тузумгина инсон ҳуқуқларини тўла ҳажмда таъминлашга қодир эканлигини социализм кўрсатиб турибди, деб уқтиради газета.

Францияда «Эко» газетаси АҚШ давлат секретари С. Вэнснинг Яқин Шарққа қилган сафарини шарҳлаб қуйидагиларни ёзади. Тель-Авивдаги Америка-Исроил музокаралари вақтида Исроилга Америка қуролини етказиб бериш масаласи муҳокама қилинади. Тель-Авив Картер маъмуриятининг Форд ҳукумати берган ваъдаларни бажаришини истайди, деб қайд этади газета.

«Вашингтон пост» газетаси Жанубий Африка Республикаси Америка мутахассислари ёрдамида ва Қўшма Штатлар етказиб бераётган сараланган уранден фойдаланиб, яна 2—4 йилдан кейин атом бомбасини ясай оладиган ядро индустриясини вужудга келтиражагига эътиборни жалб қилмоқда.

(ТАСС, 16 февраль).

Болгария Халқ Республикаси коллективлари Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига зарбдор меҳнат вахтасида туриб ишлашга қарор қилмоқдалар. Суратда: Софиядаги В. Коларов номли электромотор заводининг цехида ГЭС генератори йиғилмоқда. А. Григоров раҳбарлик қилаётган бу йиғувчилар бригадаси мусобақанинг олдинги сафларида бормоқда.

БТА—ТАСС фотоси.



СИНФИЙ ЖАНГЛАР КУЧАЙИБ БОРМОҚДА

Ғарбий Европадаги капиталистик мамлакатларда меҳнаткашларнинг забастовка ҳаракати кучайиб бормоқда. Меҳнаткашлар монополистик доираларнинг ва йирик бизнес вакилларининг иқтисодий проблемаларни меҳнаткаш халқ ҳисобига ҳал этиш, иқтисодий қийинчиликларнинг бутун машақатларини ишчи ва хизматчилар зиммасига юклаш йўлидаги уринишларига қарши чиқмоқдалар.

● ПАРИЖ. Дуврсидаги (Па-де-Кале департаменти) «Франсез де механик» заводининг ишчилари иш ҳақининг оширилишини ва меҳнат шароитлари яхшиланишини талаб этиб, иш ташладилар.

Касаба союзларининг даъватига мувофиқ, Флорансдаги (Жер департаменти) «Кастель е фромаже» компанияси корхонасининг металлистлари иш ташладилар. Улар ўз ўртоқларининг ишдан бўшатилишига қарши чиқмоқдалар.

● БРЮССЕЛЬ. Брюгге шаҳридаги қурол-аслаҳа заводи ишчи ва хизматчиларининг қарийб бир ой давом этган забастовкаси меҳнаткашларнинг талабаси билан тугади. Маъмурият иш ҳақини ошириш ва иш билан таъминлаш тўғрисидаги талабларни қондиришга мажбур бўлди.

● ХЕЛЬСИНКИ. Корхона эгалари янги меҳнат шартномаларини тузиш ҳақида олиб борилаётган музокараларга ҳалақит бериш ҳамда касаба союзларини иш ҳақини ошириш ва меҳнат шароитларини яхшилаш тўғрисидаги талабларидан воз кечишга мажбур этиш учун уринмоқдалар. Финляндия меҳнаткашлари бунга жавобан амалий чораларни кўрмоқдалар.

Бир қанча касаба союз ташкилотлари ўз талабларини қўллаб-қувватлаш учун забастовка курашини кучайтириш ҳақида қарор қабул қилдилар.

ДАВЛАТ СЕКТОРИНИНГ ИСТИҚБОЛИ ПОРЛОҚ

ДЕҲЛИ, 17 февраль. (ТАСС). Бу ерда эълон қилинган расмий маълумотларда бундай дейилади: Ҳиндистон экономикасининг давлат секторидаги корхоналар 1975—76 молия йилида 104 миллиард рупиялик маҳсулот ишлаб чиқардилар. Бу эса илгариги йилдагига қараганда 17 процент кўп. Бу — қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини қўшиб ҳисобланганда ялпи миллий маҳсулотнинг олтидан бир қисмини ташкил қилади.

Бу рақамлар давлат секторининг барқарор ўсаётганлиги ва ҳаётийлигидан далолат бермоқда. Давлат секторидаги 125 корхона миллий экономикани тобора ривожлантириш учун муҳим ҳисса қўшмоқда, давлатга катта фойда бермоқда. Ҳўлбу мана шунинг учун ҳам Ҳиндистон ҳукмрон миллий конгресс партиясининг сайлов олди манифестида мамлакат экономикасида давлат секторини кенгайтириш ва унинг мавқеини тобора мустаҳкамлашдан иборат йўл бундан кейин ҳам амалга оширилажаги баён этилган.

НАМИБИЯ ХАЛҚИНИНГ ҚОНУНИЙ ВАКИЛИ

НЬЮ-ЙОРК, 16 февраль. (ТАСС). Бирлашган Миллатлар Ташкилоти жанубий-ғарбий Африка халқ ташкилоти ўз озодлик ва мустақиллиги учун курашаётган Намибия халқининг бирдан-бир қонуний вакили эканлигини яна бир бор таъкидлади. Мустамлакачиликни тугатиш масалалари билан шуғулланувчи БМТ комитетининг бу ерда эълон қилинган докладида шу ҳақда гапирилади.

Докладда таъкидлаб ўтилганидек, Намибия аҳолисининг ғоят кўпчилиги қўллаб-қувватлаётган жанубий-ғарбий Африка халқ ташкилоти миллий озодлик йўлидаги қуролли кураш қўламларини кун сайин кенгайтирмоқда. Бу ташкилот Намибия халқининг мустақиллик ва миллий суверенитет ҳуқуқининг амалга оширилишини кескин суръатда қўллаб-қувватламоқда.

Ҳужжатда айтиладики, Африка ва жаҳон миқёсида айтимпериалистик бирдамлик ишига содиқ бўлган бу ташкилот Африкада эски ва янги мустамлакачилик ва империалистлар ҳукмронлиги қолдиқларига қарши курашаётган барча озодлик ҳаракатлари билан ва жаҳондаги тараққийпарвар кучлар билан маҳкам ҳамкорликни амалга ошириш ниятидадир. Бундан мақсад — Африка қитъасини тамомила озод қилишдан иборат.



КАЛИНИН районидаги «Хасково» совхозида «Дўстлик хонаси» ташкил қилинган. Бу ерда қардош Болгария Халқ Республикасининг қишлоқ хўжалиги соҳасида қўлга киритаётган ютуқлари акс эттирилган экспозиция билан ҳам танишиш мумкин.

А. Мальцев фотоси.

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИ УЧУН МАШИНАЛАР

Тошкент трактор заводида бу йил экспорт қилиш учун «ТТЗ» маркали машиналардан дастлабки қирқтаси чиқарилди. Шакарқамиш мандонларида ишлашга мосланган бу машиналар Куба республикасига жўнатиладн. Қардош социалистик мамлакатнинг буюртмаси кварталнинг охирида бажарилиши керак эди, лекин амалда тракторлар муддатидан илгари тайёрланди.

— Социализм мамлакатларининг буюртмаларини муддатидан илгари ва юқори сифатли тайёрлаб бериш — бу тракторсозларнинг анъанаси бўлиб қолмоқда, — дейди бу воқеани шарҳлаб, завод партия комитетининг секретари Э. Жамилов. — Масалан, биз декабрь ойининг охирида Монголия Халқ Республикаси чорвадорларидан сифат белгиси қўйилган «ТТЗ» маркали дарма юк машиналарининг прицеплари учун пошналинч буюртма олган эдик. Бу техника Монголия Халқ Республикасига январь ойининг ўрталаридаёқ жўнатилди. Биз эндиликда дўстларимиздан яна 350 та прицеп тайёрлаб бериш учун буюртма олдик.

Ўзбекистон тракторсозлари беш йилликнинг иккинчи йилида Кубага яна 60 та машина, Вьетнамга 50 та машина, шунингдек кўплаб прицеплар тайёрлаб беришлари керак. Бу буюмларнинг ҳаммаси сифатли, пишиқ, ишлатиш учун қулай бўлади. Буюртмаларнинг ҳаммасини зарбдорчасига бажарамиз, — бош мастер В. Семин бошчилигидаги экспорт қилинадиган маҳсулот тайёрлайдиган участка коллективи ана шундай мажбурият олган.

(ЎзТАГ).

нинг ҳар қайсиси ҳаёт ҳақида ўйлашга ундовчи баҳона, ҳолос. Масалан, чигиртка чириллашидан бошланган ўйлар жаҳоний гармония ҳақидаги ҳулосага олиб келади:

Шу чириллаш борки, назаримда,
Тун ўй сурар, табиат тугал.
У бўлмаса сўқир кечалари
Руҳимиз ҳувиллаб қоларди ҳар гал.
Қашшоқроқ бўларди тун манзараси,
Бундай сеҳрий таъсир этмасди,
Ҳам умум жаҳоний гармонияда
Бир азалий оҳанг етмасди...

Ёхуд укки ноласидан шоир ҳаётнинг мураккаблиги ҳақидаги ўйларга кўчади:

Ҳаёт шу экан-да: ёғду ва зулмат,
Қишу ёз, ўнгу туш, тирик ва ўлик...
Шусиз бўлмас экан тугаллик сира,
Ҳатто куш наъмаси: гўзал ва хунук.

Бундай шеърларни ўқиганда китобхон қалбида ҳам муайян акс—садо пайдо бўлади. — У ҳаётнинг тугал гўзаллигини янада ардоқлаш, қадрлаш туйғуси билан ёна бошлайди. Хуллас, Асқад Мухторнинг янги шеърлари маҳсус бахсни талаб қилувчи шеърлар бўлиб, бугунги ўзбек шеъриятининг имконият доираларини, савиясини бир босқич юқорига кўтарди.

Санъатда сон эмас, сифат ҳал қилувчи аҳамиятга эга деган ҳақиқат бор. Бунинг тўғрилигини Абдулла Ориповнинг 1976 йилдаги ижодида яна бир кўриш мумкин. Абдулла Орипов ўтган йили унча кўп шеър ёзгани йўқ. Шундоқ бўлса-да, унинг «Маломат тоши», «Тафаккур монологи» каби шеърлари эълон қилиниди, «Момо офтоб» шеъри яратилдики, бу уч шеърни ҳеч иккиланмай ҳозирги лирикамизнинг энг нодир асарлари қаторига киритиш мумкин. Уларда биз шоирнинг поэтик тафаккур қуввати янада ортганини кўрамиз. Шоир инсон виждонининг улуглигини ўртаниб куйлайди, инсоннинг қадрини туширадиган турли-туман пасткашликлар, тубанликлар, разолатларга қарши ёниқ нафратини ифодалайди. Бу шеърлар шоир поэзиясининг ижтимоий руҳи, гуманистик йўналиши чуқурлашиб бораётганини кўрсатади.

1976 йил поэзиясининг ютуқлари ҳақида гапирганда Омон Матжоннинг номини ҳам алоҳида мамнуният билан тилга олгим келади. «Шарқ юлдузи» журналининг 7-сонида унинг «Бахшига», «Сирларим», «Гафур Гулом ҳотираси», «Энг узун кечада» деган бақувват шеърлари босилди. Буларнинг бирида шоир поэтик тафаккурининг теранлигини намойиш этса («Энг узун кечада»), бошқасида ҳаёт фактларини образли ифода қилиш қуввати зўрлигини кўрсатган. (Масалан «Гафур Гулом ҳотираси» шеърида қўшиш қуйлаб, нурга хизмат қилиб яшаган шоирнинг бугун йўқлигини «ер остида қолган зулматга қарши жангга кетиш» деб ажойиб поэтик метафора яратади). Омоннинг «Гулистон» журналида босилган ва шу журналнинг йиллик мукофотига сазовор бўлган «Самандар», «Мен шеър ёзсам...», «Сальвадор Альендени йўқлаб», «Табиатнинг «Қизил китоби»га» шеърлари ҳам диққатга сазовор. Шоир, айниқса, «Табиатнинг «Қизил китоби»га шеърида теран бир ички дард билан инсониятнинг тақдири ҳақида қайғуради. Унинг наздида «Қизил китоб» йўқолиб кетаётган ҳайвонот турларини сақлаб қолиш учунгина хизмат қилмайди. Бу китоб инсон тақдирига ҳам шама:

Бастакор бировга куй бағишласа,
Ўз қалби, ўз дардин этганидек роз,
Инсоннинг табиат учун китоби
Узни тақдирига шамадир, холос.

1976 йил поэзиясининг хусусиятлари ҳақида гапирганда, ёш шоирлар ҳам ғоят қунт билан баракали ижод қилганини таъкидлаш лозим. Айниқса, КПСС Марказий Комитетининг ёш ижодкорлар ҳақидаги тарихий қарори уларнинг илҳомига илҳом қўшди. Ўтган йили Гафур Гулом номидаги нашриёт ҳам, «Ёш гвардия» нашриёти ҳам ёшлар ижодига айрича ғамхўрлик билан эътибор бердилар. Бунинг оқибатида «Ёшлик баёзи» ва «Ёшлик» альманахи майдонга келди. «Шарқ юлдузи», «Гулистон» журналлари эса ёшлар ижодига махсус ўрин берди. Ёш шоирлар ичида айниқса, бойсунлик Усмон Азимов, самарқандлик Ҳосият Бобомуродова ва Хуршид Даврон, ўшлик Шавкат Раҳмон, хоразмлик Муҳаммад Солиҳ, қўқонлик Мақсуда Эгамбердиева, Едгор Обидов, Шукур Қурбонов, тошовуз лик Қутлибека Раҳимбоевларнинг асарлари ажралиб туради — уларда изланиш кучли, ўзига ҳосликка интилиш бор, энг муҳими эса, бу ёшлар шеърда ҳали ўзигача ҳеч ким айтмаган гапларни топиб айтишга интилишяпти. Ёшлар поэзиясининг муаммолари алоҳида мавзу, шунинг учун бу ўринда шу айтилган умумий мулоҳаза билан чекланган маъқул.


Ўтган йили поэма жанрида ҳам бир қатор йирик асарлар майдонга келди. Фақат «Шарқ юлдузи» журналининг ўзида Барот Бойқобиловнинг «Сибирь сурури», Турсун Иброҳимовнинг «Ҳаётбахш умр». Тўлқиннинг «Ўттиз қўнғироқ», Х. Қуронбоевнинг «Тогда айтилган ёр-ёр» (парча) достонлари босилди. Мен бу достонлар ичида, айниқса, Туроб Тўланинг «Суюк Момо» достонини ва Ҳамид Ғуломнинг «Амазонка қўшиғи»ни алоҳида таъкидлашни истардим.

Туроб Тўла Баҳмалда совет ҳокимиятини ўрнатиш учун олиб борилган кураш давҳаларини чизади. Унинг қаҳрамонлари реал одамлар. Шоир достонни яратар экан, аввалги тайёр схемалардан, сюжет қурилишидаги такрорийликдан қочади. У ўз достонини «Янги эпос» деб атайди ва ҳақиқатан ҳам шиддатли курашларнинг эпик манзарасини чизишга муваффақ бўлади. Яна шуниси эътиборга лойиқки, шоир классик шеъриятимизнинг формасидан кўп ўринда унумли фойдаланган.

Ҳамид Ғуломнинг достони эса менга унинг «Қитъалар уйғоқ» циклидаги балладаларини эслатди. Йўқ, балладалар билан янги достон ўртасида сюжет қурилиши жиҳатидан яқинлик йўқ. «Амазонка қўшиғи» буюк Чили шоири Пабло Нерудага бағишланган. Яқинлик — гражданлик туйғусининг ўткирлигида, шоирнинг эҳтирос билан тинчлик ишини ёқлашида, меҳнаткаш халқ бошига қулфат ёғдираётган қора кучларни, ҳар хил рангдаги реакционерларни оташин нафрат билан фош қилишида.

Кўринадики, ўзбек поэзияси 1976 йилда анча салмоқли ва мазмундор йўлни босиб ўтди. Бир йиллик поэзиямизда замондошимизнинг маънавий дунёсини тасвирлашда янги уфқлар очилди. Аминмизки, 1976 йил давомида яратилган шеърларнинг муайян қисми адабиётимизнинг олтин фондига кириб қолади. Табиий савол туғилиши мумкин: наҳотки ҳозирги поэзиямиз фақат муваффақиятлардан иборат бўлса? Наҳотки, бугунги шеъриятда китобхонни ранжитаётган, поэзиямиз парвозига тўғаноқ бўлаётган салбий ҳодисалар, майда ва йирик қусурлар йўқ бўлса? Бундай саволга «албатта, қусурлар мавжуд» деб жавоб бериш керак. Бугун ҳам ҳақиқий поэзия ўрнига қофиябозликдан нари ўтмайдиган шеърлар кўп учрайди. Ёхуд анча-мунча шеърларда шоир ифодалamоқчи бўлган фикрлар саёз ёки жўзъий, ҳислар майда ва арзимас бўлади. Ҳозирги шеъриятда ошкора шиорбозлик, яланғоч риторика йўқ, лекин улар ниқобланган, янги либосга бурканган ҳолда яшамоқда. Таассуфли томони шундаки, баъзи талантли ва тажрибали шоирларимиз ҳам ўз шеърини баркамол даражага етказиш устида етарли машаққат чекмайди, шекилли. Бу йил «Шарқ юлдузи» журналида Ҳалима Худойбердиеванинг бир қанча шеърлари эълон қилинди. Ҳалиманинг ғоят талантли экани, шеърлари китобхон қалбига етиб бориши ва чуқур таъсир қилиши ҳаммага маълум. Унинг 1976 йилги шеърлари ҳам шу фазилатдан мустасно эмас. Бироқ Халиманинг шеърларида бир қусур бор, у негадир шеърга сайқал бермайди, унинг оҳанги устида, ҳар мисранинг мусиқийлиги устида етарли ишламайди. Натижада, яхшияхши шеърларда бирдан вазн бузилганини кўриб, оҳанг дагаллашганини ҳис қилиб, афсусланасан, киши. Яна бир мисол. Яқиндан «Ўзбекистон маданияти» газетасида Шуҳратнинг бир неча янги шеърлари эълон қилинди. «Туғилганман, ёмон йўлига», «Гар чаңқасанг гул баргида сув тутиб» деб бошланган шеърларини ҳисобга олмаса, бошқалари Шуҳратдек тажрибали шоирнинг имконият даражасидан анча паст ёзилгандай туюлди. Мана, «Ваъдага келардинг» шеърини олайлик. Лирик қаҳрамон билан учрашувга келаётган ёр майсаларни босиб, гулларни узиб, баъзиларини эзиб келади. Буни кўриб лирик қаҳрамон «гул қадрига етмаган одам, севги қадрига етармиди» деб кетиб қолади. «Қўндоқдаги иси» шеърида лирик қаҳрамон ҳарбий хизматни ўтаётиб, ёрининг номини автомат қўндоғига ўйиб ёзади-ю, кейин севгилисини доим ёнида тургандай ҳис этади. Бу шеърларда маълум туйғу, муайян ҳис бор, лекин назаримда, улар шеърни чинакам поэзия даражасига кўтариш учун зарур бўлган магизлик вазнини ўтолмайди, чунки бу шеърларнинг замирида чинакамига шоир қалбини ўртаган катта дард, шоир айтмаса туролмайдиган салмоқли гап ёки китобхонни ларзага соладиган нафис ва гўзал туйғу йўқ. Хуллас, кўринадики, бугунги шеъриятимизда анча-мунча қусурлар бор, албатта. Бироқ, мен атайин поэзиямизнинг ютуқлари ҳақида тўхтадим. Бунинг сабаби шуки, унинг қусурлари ҳақида яқинда «Шарқ юлдузи» журналида доира стол атрофидаги баҳсда анча мукаммал гаплашиб олган эдик — уларни бу ерда такрорлаб ўтиришдан. Қолаверса, кенг китобхонлар оммасини, биринчи навбатда шеъриятимиз ютуқларидан огоҳ қилдим. Ютуқлар эса улкан — улар билан мағрурланса арзийди.

Озод ШАРАФИДДИНОВ,
филология фанлари кандидати.



«Вяртсиля» фирмаси—Совет Иттифоқининг савдо портнерларидир. Унинг кемасозлик корхоналарида совет буюртмалари бўйича хилма-хил кемалар чиқарилмоқда. Суратда: СССР буюртмаси билан Финляндиянинг «Вяртсиля» фирмасида ишланган «Красин» музёрар кемаси.

ТАСС фотохроникаси.

Бизнинг ахборот

ҚУРИЛИШЛАР КЎЛАМИ

КАЛИНИН районидаги Калинин номли колхоз йил сайин кўркамлашиб бораяпти. Асфальтланган кенг-кенг кўчалар, йўл бўйидаги турли қатор турар-жой, маданий-маиший бинолар қишлоқ хусниға ҳуси қўшиб турибди.

Ҳа демай колхозда 140 ўринли яна бир болалар боғчаси қурилиши тугалланади. Ҳозир колхозлараро қурилиш ташкилоти боғчада пардозлаш ишларини олиб бораяпти. 784 ўринли янги мактаб қурилиши ҳам янги ўқув йили арафасида тугалланади. Қурувчилар бу бинони ўз вақтида фойдаланишга топшириш учун ҳозир зўр бериб меҳнат қилмоқдалар.

Колхоз даромадидан ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ҳам кўпгина маблағ ажратилаяпти. Яқинда 200 бош қора мол боқиладиган янги чорвачилик комплекси ишга туширилган эди. Эндиликда комплекс яна ҳам кенгайтириляпти. Бу ерда янги цехлар ишга туширилаяпти. Нариоқ бориб комплексда 400 бош қора мол боқиладиган бўлади. Ундан ташқари 2 гектар майдонда теплица хўжалиги ҳам қурилаяпти. Теплица битгач колхоз даромади яна ҳам ошади.

СОВХОЗДА МУЗЕЙ

«Чиноз» наслчилик совхоз-техникумининг ташкил этилганига ҳадемай ярим аср бўлади. Шу давр ичида бу хўжалик республикамизнинг энг йирик чорвачилик базасига айланди. Сут ва бошқа хил чорва маҳсулотлари етиштиришда совхоз-техникум йил сайин рекорд натижаларига эришмоқда. Бунинг эвазига у бир неча бор СССР Министрлар Совети, ВЦСПС, СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги ва қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союзлари Марказий Комитетининг кўчма Қизил Байроқларига сазовор бўлган.

Наслчилик-совхоз техникуми СССР халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг доимий аъзосидир. Хўжалик ишчиларининг катта группаси кўргазма мукофотларига кўп марта сазовор бўлган.


Совхоз-техникумда ташкил қилинаётган янги музей экспонатлари хўжалик чорвадорлари босиб ўтган шонли йўл тўғрисида ҳикоя қилади. Музей учун материаллар тўплашда барча меҳнаткашлар, техникум студентлари ва мактаб ўқувчилари иштирок этмоқдалар.

КОЛХОЗЧИЛАРГА САФАР ИУЛЛАНМАСИ

Меҳнатнинг таги роҳат, деб бежиз айтишмайди. Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози аъзолари ўтган йилда самарали меҳнат қилиб, эндиликда намунали маданий ҳордиқ чиқармоқдалар. Ил якунларига кўра голиб саб-завоткор ва чорвадорлардан 7 кишига сафар йўлланмаси тақдим этилди. Уларнинг бир қисми Иттифоқимиз бўйлаб, яна бир қисми чет эллар бўйлаб саёҳат қилиб қайтди.

Дам олиш уйларига бориш истагини билдирганлар учун ҳам йўлланмалар муҳайё қилинди. 15 колхозчи марказий ва маҳаллий ороми-гоҳларда ҳордиқ чиқарди. 30 дан ортиқ колхозчи эса санаторияларда ўз саломатлигини мустаҳкамлаб, она қишлоғига янги куч-қувват билан қайтди.

Колхоз касаба союз ташкилоти фарзандлар учун ҳам алоҳида ғамхўрлик қиляпти. Ўтган йили колхозчиларнинг фарзандларига кўплаб путёвкалар берилди. Маданий-тарбиявий тадбирлар учун 1109 сўм сарфланди. Ўқувчиларнинг бу йилги ёзги каникулларини соз ўтказиш учун хозирданоқ пухта тайёргарлик кўрилаяпти.



Ташқи кўринишн ва ички керамика безакларн билан эътиборни тортувчи «Самарқанд» чойхонасининг ишга тушганига тўрт ойдан ошди. Ҳамма керакли шарт-шароитлар муҳайё этилган бу чойхонада 200 кишига мўлжалланган ресторан ва 30 кишилик банкет зали ҳам мавжуд.

Суратда: (чапдан ўнгга) ошпазлар Тўлқин Тожибоев, Анвар Расулов ва ишлаб чиқариш мудири Файзулла Расуловлар иш устида; чойхона залларидан бири; тўртинчи разрядли ошпаз А. Алимжонов тайёрлаган миллий таомлар хўрандаларга айниқса манзур бўляпти.

А. Абалян фотолари.

ЎТТИЗ ЙИЛДАН КЕЙИН

ҲАРБИЙ кийимдаги киши билан Абдураҳмон аканинг қучоқлашиб кўришаётганлиги, кўзларидан дув-дув тўкилаётган қувонч ёшларини кўриб хаёлга чўмдим. Бу, Абдураҳмон аканинг фронтчи дўстларидан бўлса керак, ҳой-ваҳой кўп вақтлардан бери кўришмаган бўлса керак, деб ўйлаб турганимда, у кишининг ўзи тушунтириб берди. Абдураҳмон ака менга ва шу ерда йиғилган кишиларга конвертни кўрсатди.

— ОЛДИНИГА хаёл сурдим, бу кимдан экан-а. Ленинградда яқин таништларим йўқ. Аммо конверт остидаги фамилия жуда таниш қачонлардир кўп эшитганман бундай фамилияни. Хатни ўқир эканман, мана шу фронтчи қуролдош дўстимнинг «Омонмисан, қадрли Абдураҳмон! Сени қидириб топиш, дийдор кўришиш ва суҳбат қуришга бел боғлаганлигимга анча бўлган эди. Мана энди муқаддас мақсадимга етсам керак» деб ёзган сўзларини қалбимга жо қилдим.

Фронтчи дўстини кўп йиллардан бери қидириб юрган Иван Николаевич Балахонский ниҳоят, орзусига етди. Фронтнинг ғоят оғир ва масъулиятли даврларида бирга жанг қилган, бир бурда нонни баҳам кўрган икки қадрдон дўст-рус уғлони билан ўзбек фарзанди Тошкентда дийдор кўришишга муяссар бўлдилар.

Дўстлар уруш йилларининг оғир кунлари, шиддатли жанглар, душманга етказган талофотлари, уларни аёвсиз қувган давларини эслашди. Улар хизмат қилган 4-Украина фронти, унинг қўмондони машҳур саркарда Толбухин ва бошқа жангчиларн ҳақидаги ёрқин лавҳалари кўз ўнгларидан бирмабир ўтди. 1943 йили Шимолий Донецк учун бўлган шиддатли жангларда душманга етказилган катта талофатлар фашист галаларини тум-тарақай қочишга мажбур қилди. Шу йилнинг ўзида Абдураҳмон ака Днепр учун бўлган оғир жангларда ярадор бўлади.

1944 йили қардош Руминия ва Болгарияни озод қилишда, Югославияни озод этишдаги жангларда иштирок этишди.

Балатон кўли (Венгрия) ёнида бўлган 1944 йилнинг кеч кузидаги жанг пайтларида Абдураҳмон ака сувда чўкиб кетишига оз қолди. Фашистларнинг 11-мотомеханизациялаштирилган танк дивизиясининг беқиёс катта ҳужумини қайтаришда совет жангчилари қаҳрамонлик кўрсатдилар. Шу жангчиларнинг бири Абдураҳмон ака, иккинчиси унинг дўсти бўлмиш солдат Балахонский эди. Жангчилар ўзларининг интернационалистик бурчларига содиқ қолиб Австрия, Венгрия, Чехословакиянинг юзлаб шаҳар ва қишлоқларини фашист галаларидан озод этишда фаол қатнашдилар. Жанг даврида Абдураҳмон ака командирлик қилган взвод қўмондонликнинг олқишларига кўп марта сазовор бўлди. Болқонда яшовчи қардош халқларнинг беқиёс катта миннатдорчиликлари, совет солдатлари шарафига айтилган чин қалб сўзлари Абдураҳмон ака ва унинг қуролдош ҳамдўсти юрагида абадий сақланади...

Ватан жангчиларимиз хизматини муносиб тақдирлади. Жангчи Абдураҳмон Абдураҳимов фронтда кўрсатган катта жасоратлари учун «Қизил Юлдуз» ордени, «Германия устидан қозонилган ғалаба учун», «Венани озод қилишда қатнашганлиги учун» медаллари, Бош қўмондон ташаккурномаси ва бошқа мукофотлар билан тақдирланди.

Жанг майдонларидан қайтган Абдураҳмон ака ўқиди, билим олди ва ўзини фахрли иш-ёш авлодни тарбиялашга ва билим беришга бағишлади. У Тошкент политехника институти Кимё-технологияси факультетининг кафедраларидан бирида дарс берди ва илмий иш олиб борди. 1955 йили техника фанлари кандидати деган илмий даражага эга бўлиб, «Ёғлар технологияси» кафедрасига мудир қилиб сайланди. Ана шу давр мобайнида кафедра халқ хўжалигига минг-ларга яқин юқори малакали инженер-технологлар тайёрлаб берди. Бу-лар орасида йирик корхоналар раҳбарлари, партия ва совет органлари ходимлари бор. Кафедрада 40 дан ортиқ киши фан кандидати бўлиб етишди. Буларнинг талайи Абдураҳмон ака раҳбарлигида илмий иш олиб борди.

А. Абдураҳимов хизмат қилаётган кафедра ходимлари ўз илмий ишларини амалга татбиқ этишда намунали ишлар қилишмоқда. Олинган куплаб авторлик гувоҳномалари ва турли дипломлар кафедра ходимлари меҳнати туфайлидир. Бир неча йиллардан бери саноат корхоналари билан ҳамкорликда олиб борилаётган хўжалик шартномалари давлатга катта фойда келтирмоқда.

Юқори малакали мутахассислар тайёрлаш ва ёш авлодни тарбиялашдаги катта хизматларини ҳисобга олиб, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми уни Фахрий Ёрлиқ билан мукофотлади.

1975 йил Абдураҳмон ака ўзининг ёғлар технологиясини янада яхшилаш ва интенсификациялашга бағишланган докторлик диссертациясини ёқлади. Бу қувончли дақиқаларда ҳам Абдураҳмон аканинг қуролдош қадрдони—кейинчалик йирик журналист бўлиб етишган Иван Николаевич Балахонский унинг ёнида бўлиб, дўстини катта илмий-муваффақият билан муборакбод этди.

Қудрат АҲМЕРОВ,
Тошкент политехника институти доценти, СССР Журналистлар Союзининг аъзоси.

СОВЕТ АРМИЯСИ КУНИ ОЛДИДАН

ҲАР ТЎҒРИДА

ҲАР БИРИМИЗ ҲАЖОНГАШТАМИЗ

Планетамизда яшовчи ҳар бир киши бутун умри давомида ниёда неча километр йўл босиши мумкин? Бу саволга қўққисдан жавоб бериш албатта анча мушкул иш. Чунки, бунинг учун турли мамлакатларда яшовчиларнинг ўртача умрини ҳисобга олиш керак. Бундан ташқари шаҳарликлар ва қишлоқларда истиқомат қилувчиларнинг бир қунда босган йўли, ҳар бир кишининг касби, турмуш тарзи ва бошқа кўпдан-кўп омилларни ҳам четлаб утиб бўлмайди.

Англиялик статистика ходимлари бу масала билан атрофлича шуғулланишди, жуда кўп ҳисоб-китоблар қилишди. Сўнгра бу масофа 100.000 километр атрофида эканлигини аниқлашди. Уларнинг фикрича оддий инсон туғилганидан то вафот этишига қадар шунча узунликдаги масофани пиёда босиб ўтар экан. Бу Ер экваторидан икки ярим баравар узун демакдир. Ҳа, шундай экан ҳар биримизни ҳажонгашта дейишга тўла асос бор.

●

БОШДАГИ... УЙ

Юқори Вольтада ёғингарчилик мавсумида пиёда саёҳат қилишни гаштли деб бўлмайди. Тропик ёмғир шунчалик қаттиқ ёғадики, ундан на плашч ва на зонтик ҳимоя қилади. Бунинг устига чекка қишлоқларда бундай воситалар жуда ноёб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам маҳаллий аҳоли зарурат натижасида йўлга чиқишга мажбур бўлиб, қолса, синалган восита—похол зонтикни бошига қўйиб олади. У сизни ҳар қандай ёмғирдан пана қилади. Агар йўловчи толиқса бошпана ҳам қидириб ўтирмайди. Бир неча қозиқ қоқиб, устига «зонтик шляпани» ўрнатса бошпана тайёр бўлади.

●

АЙИҚ... ИЛМИЙ ХОДИМ

Ҳақиқатан бунинг ҳеч муболағаси йўқ. Айиқ оддий ҳайвонгина бўлиб қолмасдан Венгриянинг Болотондаги метеорология станциясининг илмий ходими ҳисобланади. Тўғри, у назарий тадқиқотлар билан шуғулланмайди, вазифаси фақат зондларни учиришдан иборат. Унинг қўлидан бошқа ҳеч нарса ҳам келмайди, лекин шунинг ўзи ҳам ҳазилакам эмас.

Бир неча йил муқаддам метеорологларга айиқ боласини совға қилишди. Бу ер унга жуда маъқул бўлди, аммо у нонини оқлаб емоқчи бўлди — ҳар доим зондларни учираётган ходимлар атрофида уймалашиб юрди. Айиқ ҳар қандай об-ҳаво шароитида, кундузи ва тунда ҳам зондларни қойил қилиб учиришни ўрганиб олди. Унинг ини устидаги тахтачага «Д—р Медве Брумми, кузатувчи» деб ёзиб қўйилган. «Медве» венгерча айиқ демакдир.

МУСОБАҚАЛАР, УЧРАШУВЛАР

АЪЗАМОВНИНГ БРОНЗА МЕДАЛИ

Олмаотада ёш шахматчилар ўртасида ўтказилган мамлакат мусобақалари ниҳоясига етди. Ғолиблар сўнгги тур тугагач, кечиктирилган партиялар ўйнаб бўлингандан кейингина аниқланди. Львовлик спорт мастери Андериан Михальчишин 9,5 очко тўплаб чемпион бўлди. Тбилисилик Геннадий Зайчик билан Ўзбекистон чемпиони Георгий Аъзамовлар 9 тадан очко тўплашди. Турнирда кўпроқ ғалабга эришган тбилисилик шахматчи иккинчи ўринга кўтарилди. Республикамиз вакили Георгий Аъзамов учинчи ўрин билан бронза медалига сазовор бўлди.

КОМАНДАЛАР ЎРИН АЛМАШДИ

Тошкентнинг «Бинокор» хоккейчилари Куйбишевнинг армия спорт клуби командаси билан бўлган учрашувга қадар турнир жадвалида ён қўшни эдилар. Меҳмонларимиз ўнинчи, тошкентликлар эса ўн биринчи ўринни эгаллаб туришган эди. Икки ўйинда уч очко тўплаган «Бинокор» Куйбишев хоккейчилари билан ўрин алмашди. Маълумки, биринчи учрашув 2:2 ҳисобида дуранг бўлиб тугаган эди. Иккинчи такрор ўйинда 2:0 ҳисобида ғолиб келган тошкентликлар 32 очко билан ўнинчи ўринни эгаллаб туришибди.

БЕШКУРАШЧИЛАР БАХСИ

Пойтахтдаги «Пахтакор», «Ёшлик», «Динамо» Армия спорт клуби стадиони ва спорт залларида ёшлар ўртасида замонавий бешкураш бўйича ўтказилган мусобақалар ниҳоясига етди. «Буревестник» жамияти вакили, СССР спорт мастери Валерий Решетников беш тур—қиличбозлик, чаванлик, мерганлик, сузиш ва енгил атлетика мусобақаларида ҳаммадан кўп — 4930 очко тўплаб, чемпион бўлди. Унинг командадош дўсти Валерий Носиков 4942 очко билан иккинчи бўлди. Спартакчи мастерликка номзод Юрий Кимайкин эса учинчи ўринни олди.

Умумкоманда ҳисобида «Буревестник» вакиллари биринчи, «Спартак» командаси иккинчи, «Старт» спортчилари учинчи бўлишди.

БУГУН — СЎНГГИ ТУР

Бугун халқаро шашка бўйича республика XXI чемпионати ниҳоясига етади. 15 турдан сўнг халқаро мастер С. Давидов 14 очко билан пешқадамлик қилмоқда. М. Фозилов — 13,5, В. Александров эса 14 турдан кейин 11,5 очкога эга.

П. КОНОВАЛОВ.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.



Пойтахтнинг Сергели районида жамоатчилик ва милиция таянч пункти балоғатга етмаганлар ўртасида кўпгина тадбирларни амалга оширмоқда. Бу ерда ўсмирлар клуби очилган бўлиб, унда турли спорт секциялари, парашютчилар, авиа моделчилар, радио хаваскорлар тўгаракларн ишлаб турибди. Суратда: ёш радистлар секциясида.

А. Усмонов фотоси. (УзТАГ).

УЛУҒ ОКТЯБРЬ МАДҲИ

«Энг яхши китобларимиз — шонли юбилейга!», «Халқлар дўстлиги» орденли «Ўзбекистон» нашриётн коллективининг шиори ана шундай!

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг олтмиш йиллигига бағишланган тўпламлар тематик ранг-баранг. Уларда республикамизда саноат ва қишлоқ хўжалигида эришилаётган ютуқлар атрофлича ҳикоя қилинади.

Шонли Октябрнинг оламшумул тарихий аҳамияти ҳақида ҳикоя қилувчи китоблардан бир нечтаси ўтган йили чоп этилган эди. Бу йил шу мавзуда яна қатор тўплам босилиб чиқади.

«Улуғ Октябрь ва Совет Ўзбекистони социал структурасининг ривожланиши» номли китоб ҳам нашрга тайёрланди.

«Социалистик демократиянинг тантанаси», «Октябрь, маданият, интеллигенция» деган китоблар ҳам юбилейга бағишланган асарлардир.

«Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги 60 йилда» тўпламини Ўзбекистон Марказий статистика бошқармаси таёрлаб берди. Шунингдек, «Ўзбекистон ССР» тарихий-иқтисодий-географик справочник босмага ҳозирланди.

Шонли юбилей олдидан нашриётнинг «Ижтимоий-сиёсий адабиётлар», «Илмий-оммабоп адабиётлар» бўлинмалари бир неча китоб ва брошюрани чиқаришни планлаштириб қўйди.

Мўйқалам усталари томонидан нафис ишланган тематик плакатлар ҳам Октябрнинг 60 йиллигига бағишланди. Улар уч сериядан иборат бўлиб, тарихий воқеалар ҳақида ҳикоя қилади.

А. АБДУАЛИЕВ.

БИНО ТАГИДАГИ «ГОВМУШ»

ЧАЙҚОВЧИГА ШАФҚАТ ИУҚ

Шарафел Фахрисломованинг ярим тунда уйқуси ўчиб кетди. Негадир у бетоқат эди. Кроватда бемалол ҳуррак торгаётган эрининг биқинига туртди:

— Дунёни сел олса, тўпиғингизга чиқмайди, уч қундан бери юрагим безовта, ўрнингиздан туринг, нафасим оғзимга тиқилиб кетаяпти, сепараторни ишлатинг.

— Ваҳиманинг уясимисан, ўзим ҳозир ётдим-ку, ухлатгани қўймайсан-а.

Эри Шариф Даминов ижирганганча яна пинакка кетди.

Бутун тирикчилик, жарақ-жарақ пуллар, данғиллама участка шунинг орқасидан келгандан кейин жони ачимаганини қаранг. Подвалдаги сепараторлар, сут, қаймоқ ва пишлоқ тўла қўша-қўша флягалар кўз ўнгидан ўта бошлади. Ўзини эрта тонгла Олой бозорида деб тасаввур қилди, чўнтаги пулга қаппайганлигини ҳис этди.

Шарафел бозорга олиб бориладиган флягалардаги қаймоқни пулга чақди, кўнгли бироз ёришгандек бўлди. Лекин кейинги пайтда маҳаллада бўлаётган шовшувларни эслаб, юраги орқага тортиб кетди. У ҳаллослаб чиққанича яна эрига бидирлади:

Мен бўлмаганимда бир сўмга зор бўлиб юрувдингиз. Энди бўлса ҳаммасини ўзимга ташлаб қўйдингиз.

Хотинининг тинчлик бермаслигини пайқаган Шариф Даминов эринибгина кийинди, подвалга йўл олди. Сепараторнинг гийқиллагани эшитилди. Бу товуш Шарафелга қаймоқдек ёқарди. Шунинг учун у эрта тонгданоқ эшик қоқиб келган мижозлари — Назарали Ниёзов номли ва Калинин номли колхозларнинг аъзолари — Ф. Қўрғонова, П. Йўлдошев, Ж. Умарқулова, Н. Нишонов сингари сут сотувчиларни анча рўшнолик билан кутиб олди.

Бўш флягалар сутга тўлган сари унинг юзига табассум ёйиларди. Лекин бу табассум ўринни бир кун эмас, бир кун паришонлик, хомушлик эгаллашини унинг юраги сезаётгандек эди.

Қингир ишнинг қийини қирқ йилдан кейин ҳам чиқади, дейишади. Янгийўл шаҳридаги Деҳқон кўчасининг 32 уйида бу қийинчилик ўзининг ўн йилдаёқ маълум бўла қолди. Шарафелнинг ертўлада «говмуши» борлигини Янгийўл шаҳар ички ишлар бўлими ходимлари Акром Қурбонов ва ОБХСС инспектори Рихсибой Қозоқбоевлар меҳнаткашлардан тушган сигналлар асосида фош этишди.

Ш. Фахрисломова қўлга тушган куни фляга ва кострюлларда 510 килограмм сут, қаймоқ, пишлоқ борлиги маълум бўлди. Ўттиз беш йилдан бери Янгийўл шаҳрида яшаб, бир кун ҳам ижтимоий меҳнат билан шуғулланмаган Шарафел уч йилдан бери ўзи ишлаётган ферма раҳбарларини, партия ва совет органларини ҳам ўзига оғдириб олган эди. Ферма раҳбарлари ҳам Шарафелнинг ҳар бир ишини ўзларига фойдали деб билишарди. Шунинг учун ҳам Шарафел ўзини ҳеч кимдан кам ҳис этмасди. Ҳатто ферма раҳбарлари